



## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



## 23 апрель куни хорижий давлатларнинг мамлакатимизга янги тайинланган элчилари томонидан ишонч ёрлиқларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бангладеш Халқ Республикаси элчиси Муҳаммад Жаҳонгир Аълам, Чехия Республикаси элчиси Вацлав Йилек, Миср Араб Республикаси элчиси Амира Фаҳмий, Иордания Хошимийлар Подшоҳлиги элчиси Демия Зухайр Хаддод, Туркия Республикаси элчиси Олган Бекар, Европа Иттифоқи делегацияси раҳбари Шарлотт Адриан ва Россия Федерацияси элчиси Олег Мальгиндан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.

Тадбир аввалида давлатимиз раҳбари янги тайинланган элчиларни мамлакатимиздаги дипломатик миссияси бошлангани билан самимий табриклади.

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар ва халқаро тузилмалар билан конструктив мулоқотни янада ривожлантириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва амалий шериклини кенгайтиришга муҳим аҳамият қаратаётгани таъкидланди.

Юртимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар, янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган стратегик дастур ва лойиҳаларнинг устувор йўналишлари алоҳида қайд этилди.

Бу борада пандемия оқибатларини енгиб ўтиш ва барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш, аҳолининг барча қатламларини манзилли қўллаб-қувватлаш ва уларнинг турмуш даражасини ошириш, узоқ муддатли ўсишнинг янги нуқталарини шакллантириш ва мамлакатимизнинг глобал

рақобатбардошлигини таъминлаш масалалари диққат марказида турибди.

Таъкидлангани асосий йўналишлари ҳақида сўз юритар экан, Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари ва жаҳоннинг етакчи давлатлари билан стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари изчил мустақамланиб бораётганини таъкидлади.

Бугун биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан савдо, инвестиция ва инновациялар, рақамли технологиялар ва "яшил иқтисодиёт", транспорт, транзит ва логистика, молия, тиббиёт ва кўп қиррали бошқа соҳалардаги ҳамкорлик кенгайиб бормоқда.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, МДХ, ШХТ, Испом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий кенгаш ва бошқа нуфузли тузилмалар доирасидаги яқин мулоқотни давом эттириб, кўп томонлама алоқаларни ривожлантиришда, глобал молиявий институтлар билан шериклини кенгайтирмоқда.

Давлатимиз раҳбари янги элчилар вакиллик қилаётган мамлакатлар билан кенг қўламли ва узоқ муддатли ҳамкорлигини истиқболларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Бангладеш Жанубий Осиёдаги муҳим ҳамкоримиз ҳисобланади, дўст халқларимизни маънавий ва маданий қадриятлар, муқаддас динимиз азалдан боғлаб келади.

Икки томонлама сиёсий маслаҳатлашувларни мунтазам ўтказиш, тўқимачилик, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги кооперацияни кучайтириш муҳим экани таъкидланди. Иккала мамлакат ўзаро савдо ва сайёҳлар оқимини тубдан кўпайтириш учун барча имкониятларга эга. Шу мақсадда алоқаларни жадаллаштириш ҳамда Ҳукуматларо қўшма комиссия салоҳиятини тўлиқ ишга солиш зарур.

Чехия Республикаси бизнинг Европадаги ишончли ва истиқболли шеригимиздир.

Ўзбекистон Президенти кейинги йилларда икки томонлама муносабатлар жадал суръатда ривожланаётганини мамнуният билан қайд этди.

Давоми 2-бетда

## ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ САНОАТ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛИБ, АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ОРТМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 23 апрель куни пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва саноат корхоналари фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб "Худудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятининг Электр энергиясини ҳисобга олишни автоматлаштириш маркази фаолияти билан танишди.

Электр энергияси аҳоли учун ҳам, иқтисодиёт учун ҳам энг керакли манбалардан бири. Унинг барқарор таъминоти учун эса аниқ ҳисоб-китоб, замонавий технологиялар зарур. Шу мақсадда ҳар бир уй, корхона ва муассасага электрон ҳисоблагичлар ўрнатилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз бўйича жами 6 миллион 578 мингдан ортиқ истеъмолчи шундай ускуналар билан таъминланган.

Ушбу инновацион марказ мижозларга замонавий хизмат кўрсатиш мақсадида ташкил этилган. 20 миллион долларлик мазкур лойиҳа Жанубий Корейанинг "KT Corporation" компанияси билан ҳамкорликда қурилган ва 2020 йил августда ишга туширилган. Марказга катта сифимли серверлар ўрнатилган. Дастурий таъминот 8 миллион истеъмолчига хизмат кўрсатиш қувватига эга. Шу модулни кенгайтириш орқали бу кўрсаткични 20 миллионгача етказиш имконияти бор.

Шунингдек, худудлардаги электр таъминоти корхоналарида кичик "дата-центр"лар ташкил этилган ва мазкур марказ билан боғланган.

Буларнинг барчаси туман, шаҳар, вилоят ва республика кесимида маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш, соатлик, кунлик, ойлик ва йиллик балансларни тўғри шакллантириш, пировавд натижада электр энергиясининг аниқ ҳисобини юриштига хизмат қилмоқда.

— Электрон ҳисоблагичлар ўрнатиш осон, бу биринчи қадам. Энг қийини энди бошланади. Худудларда, узоқ қишлоқларда ҳисоблагичларни экологич қилдириш профессионаллар етарлими? Иккинчидан, тизим таъмирларга қай даражада чидамли? Учинчидан, кейинчалик тармоқ эскириши туфайли юзга келадиган ҳолатлар ҳисоб-китоб қилинганми? Шуларни ҳозирдан ўйлаш керак. Тушумларнинг маълум бир фоизини илгга, модернизацияга йўналтириш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бутун мамлакатимиз бўйича ушбу автоматлашган тизимга хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш, мутахассисларни ўқитишдан ва қайта тайёрлайдиган марказлар ташкил этиш, ходимларни рағбатлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Электрон ҳисоблагичлар биллинг тизимига уланган бўлиб, қардор истеъмолчилар автоматик тарзда тармоқдан узилди ва электр ҳақи тўлангандан кейин ёқилади. Инсон омили камайиб, ноқонуний улашиллар, коррупция ҳолатларига чек қўйилди. Марказда 100 дан ортиқ малакали мутахассислар ишламоқда.

Давлатимиз раҳбари улар билан суҳбатлашди, CAS дастурининг имкониятлари билан танишди. Бу тизимда барча электр станциялари, нимстанциялар, трансформаторлар оқламаси ва унга уланган истеъмолчилар сони геолокация орқали яққол кўриниб туради. Ҳар бир худудга бириктирилган мутахассислар онлайн режимда бутун мамлакатимиздаги ҳолатни кузатиб боради, зарур пайтда истеъмолчиларга тезкор хизмат кўрсатади.

Шу ерда Электр энергияси истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш лойиҳаси ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари марказдаги ситуацион хонани ҳам кириб кўрди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги "Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан электрон ҳисоблагичли абонентлар қамровини 2021 йил якунигача 100 фоизга етказиш вазифаси қўйилган. Ҳозирда бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда. Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига жами 7 миллион 418 мингдан зиёд истеъмолчини улаш режалаштирилган.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Яшнубод туманидаги Технопаркдаги янги корхоналар фаолияти билан танишди.

Давлат раҳбарининг 2019 йил 1 майдаги "Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ушбу инновацион технопарк ташкил этилган эди. Утган қисқа вақтда бу ерда замонавий саноат тармоғи йўлга қўйилди.

Технопарк 7 та блокдан иборат. Бу ерда умумий қиймати 365 миллион доллардан зиёд 17 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Утган йили Технопаркда электрон газ ҳисоблагичлар, маиший совуқтичлар, саноат кондиционерлари ва совутиш тизимлари, сув насослари, лифт ва эскалаторлар, форма ва қопиллар ишлаб чиқаришга оид олтига лойиҳа ишга туширилган.

Бу йил бошида яна 4 та корхонада қурилиш-монтаж ишлари битказилди. Президент шундай янги қувватлар — Эшик ва ромлар учун фурунтуралар ва аксессуарлар, Панелли иситиш радиаторлари, Алюмин композит панеллар ва Металл конструкциялар корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди.

Айни кунларда корхоналарда синов режимда маҳсулот тайёрланмоқда.

Корхоналарда иш бошлаган ёшлар Технопарк қошидаги ўқув марказида малака оширган. Ҳозир улар бу ерда ўрнатилган замонавий технологияларни бемалол бошқармоқда.

— Бу корхоналарнинг, албатта, иқтисодий аҳамияти катта. Лекин мени кўпроқ қувонтирадигани ёшларимизнинг малакаси, ишончи. Ҳозирги ёшлар ўқиган пайтларда бунақа станоклар йўқ эди. Шу ишларни 15 йил олдин бошлаганимизда болаларимизнинг билими, савияси бугун умуман бошқача бўларди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Фурунтура ва аксессуарлар лойиҳасининг қиймати 20 миллион доллар. Бунинг эвазига бино мукаммал таъмирланиб, Туркиядан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилган. 450 та иш ўрни яратилган. Корхона эшик ва ромлар учун йилга 6 миллион дон фурунтура ва аксессуар ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу 10 миллион долларлик импорт ўрнини тўлдириш, 3 миллион долларлик экспорт имкониятини беради.

Яна бир корхонада 5 хил модификациядаги панелли иситиш радиаторлари ишлаб чиқарилади. Унинг лойиҳа қиймати 19 миллион доллардан зиёд, қуввати йилга 640 минг дон. Европа технологияси асосида тайёрланадиган бундай радиаторларга ички бозорда ҳам, ташқи бозорда ҳам талаб бор. Шундан келиб чиқиб, 6 миллион долларлик импорт ўрнини босиш, 8 миллион долларликдан кўпроқ экспорт қилиш мўлжалланган. 250 киши иш билан таъминланган.

Алюмин композит панеллар корхонаси ҳам иқтисодий самарадор. Унда тайёрланадиган 432 минг дон маҳсулот 10 миллион долларлик импорт ўрнини тўлдириш, 3 миллион долларлик экспортни таъминлаш имконини беради. Бунинг учун 2 миллион доллар эвазига Хитой технологияси ўрнатилган. 80 та иш ўрни яратилган.

Металл конструкциялар ишлаб чиқариш лойиҳасининг қиймати 29 миллион доллар. Шунга яраша, импорт ўрнини босиш даражаси ҳам нисбатан юқори — 16 миллион доллар. Шунингдек, 1,5 миллион долларлик экспорт ҳам режалаштирилган. Корхонага Италия технологияси ўрнатилган бўлиб, 3 хил сэндивч панеллар ҳамда 2 турдаги қора ва енгил металл конструкциялар ишлаб чиқарилади. Бу ерда 350 киши ишлайди.

Янги ишга тушаётган корхоналарда маҳаллийлаштириш даражаси 35-40 фоизни ташкил этади.

Технопаркда барча лойиҳалар ишга тушгандан кейин жорий йил якунида 5 триллион 700 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, 105 миллион долларлик экспорт қилинади. 7 мингга яқин киши иш билан таъминланади.

Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОЖИКИСТОН ЭЛЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

23 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини якунлаётган Тожикистон Республикасининг Фавқуллода ва мухтор элчиси Содиқ Имомийни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстлик, яхши кўшничлик ва стратегик шериклик муносабатларида бугунги кунда икки биродар мамлакат етакчиларининг сиёсий иродаси ва қатъий ҳаракатлари туфайли юксак даражага эришилганини алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда икки томонлама ҳамкорлик барча йўналишларни қамраб олган ва жадал ривожланишда давом этмоқда, аниқ мазмун билан бойимокда.

Яқин ойларида Тожикистонга олий даражадаги ташриф режалаштирилган бўлиб, бугун икки мамлакат ҳукуматлари узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган кенг қўламли ҳамкорлигининг янги кун тартибини шакллантириш устида астойдил ишламоқда.

Давлатимиз раҳбари икки томонлама муносабатларнинг бугунги юксак

даражасига эришишдаги катта хизматлари ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси учун элчи Содиқ Имомийни Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирлади.

Дипломат унинг мамлакатимиздаги фаолияти юксак баҳолангани ва хар томонлама қўллаб-қувватлангани учун Ўзбекистон Президентига чуқур миннатдорлик билдирди.

Содиқ Имомий мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги биродарлик муносабатларини мустақамлаш йўлидаги мақсад ва вазифаларни сўзсиз амалга оширишга бундан буён ҳам бор куч-гайратини қаратишини таъкидлади.

ЎЗА

## СЕНАТ ЯЛПИ МАЖЛИСИ: МАМЛАКАТ ҲАЁТИГА ОИД ДОЛЗАРБ ҚОНУНЛАР МАЪҚУЛЛАНДИ, МУҲИМ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

2021 йил 23 апрель куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқда шаклда ўтказилган мажлисда Ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Сенатнинг ўн учинчи ялпи мажлисида Сирдарё, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги сенаторлар худудлардаги долзарб муаммолар,

хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш, хусусий ва оилавий боғчаларга қўшимча имтиёзлар бериш орқали қамров даражасини ошириш, Республика йўл жамғармасининг фаолиятини ўрганиш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг сифати ва самардорлигини ошириш, ҚВП ва марказий поликлиникалар тизимини рақамлаштириш каби масалаларни кўтарган эди.

Давоми 3-бетда

# ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ САНОАТ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛИБ, АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ОРТМОҚДА

Бошланғичи 1-бетда

Давлатимиз раҳбари шу билан чекланмасдан, янги лойиҳалар ишлаб чиқиш, қўшилган қиймат яратадиган маҳсулотларга эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Яшнобод туманидаги Парвоз маҳалласида бўлиб, аҳоли ҳаёти билан танишди.

Маҳалла — овод ва осуда ҳаёти-мизининг бир бўлаги. Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, ислохотларнинг энг қўйи бўлингача етиб бориб, одамлар ҳаётини ўзгартириши бевосита маҳалла тизимига боғлиқ.

Дарҳақиқат, ҳар биримизнинг ҳаёти-миз, тақдиримиз, яшаш тарзимиз, оилаларимиздаги маънавий муҳит, фарзандлар тарбиясини маҳалладан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Маҳалла овод бўлса, инсон хотиржам яшайди, уйини, оstonасини, маҳалласини, юртини овод этади.

Мамлакатимизда ҳар бир маҳалладаги "ўсиш нуқталари"ни аниқлаб, аҳолини тадбиркорликка ва ўзини ўзи банд қилишга жалб этиш, коммунал муаммоларни ҳал қилиб, худудини ободонлаштириш чоралари қўрилмоқда. Ташриф чоғида шу борадаги ишлар ижросига эътибор қаратилди.

Парвоз Тошкент шаҳридаги энг катта маҳаллалардан бири — 10 минг 200 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Бу ерда қисқа вақтда маҳаллий бюджет ҳисобидан кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Жумладан, 61-сонли мактаб ва 306-боғча мукамал таъмирланди. Маҳалла худудидagi мустақилликдан

олдин қурилиши бошланган ташландиқ ёпиқ сузиш ҳавзасини таъмирлашга киришилди. Мавжуд 41 та кўп қаватли уйнинг фасади янгилашиб, болалар майдончалари барпо этилди, ички йўллар тўлиқ асфальтланди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтоб аҳоли қатламларига моддий, тиббий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Хунар эгаллашга иштиёқманд ёшлар касб-ҳунарга ўқитилиб, ишга жойлаштирилди.

Аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида жорий йилда маҳалла худудида умумий қиймати 73 миллиард сўм булган 6 та лойиҳани амалга ошириш ва 310 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Маҳаллада 9 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати фаолият юртар эди. Жорий йил январда "Шинам уй-жой" бошқарув сервис компанияси ташкил этилган, кўп қаватли уйларга кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланди.

Давлатимиз раҳбари ушбу компания биносини кўздан кечирди.

Компания Яшнобод туманида жойлашган 4 та маҳалладаги 103 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади. Ширкат биносида туну кун диспетчерлик хизмати йўлга қўйилган. 35 доимий, 20 дан зиёд мавсумий иш ўрни яратилган. Бинода "Халқ банки" бўлими ҳам ташкил этилган.

Президент компания биносидан самарали фойдаланиш, бу ерда ширкат фаолиятига кирмайдиган, лекин одамларни қизиқтирадиган хизмат турларини йўлга қўйиш бўйича тавсиялар берди.

— Ҳозирги шароитда нима учун "темир дафтар", "аёллар дафтари", "ёшлар дафтари" тизимини қилдик? Агар давлат аҳолининг камбағал

қатламига, аёллар, ёшларга эътибор берса, ҳокимликлар иш фаолиятини шунга қараб ташкил қилса, одамларда ишонч уйғонади. Давлатга ишонч қачон бўлади? Маҳаллада ўзгариш бўлса, — деди Президент.

Президент кўп қаватли уйлар ҳовлисида уйнаётган болаларга эзгу тилаклар билдирди.

— Болаларимиз соғлом бўлиб, кўзларидан нур ёғилса, мен учун энг катта бахт шу. Сизларнинг билим олишингиз, спорт билан шуғулланишингиз учун ҳамма шароитларни яратишга ҳаракат қилишимиз. Сизлар яхши ўқиб, ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек боболаримизга муносиб бўлиб, ота-онанинг озуларини ушлатирадиган инсонлар бўлиб улғайинг, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мутасаддиларга пойтахтимиздаги барча 524 та маҳаллани шундай овод қилиш, бунинг учун ҳар бирига маблаг ажратиб, лойиҳаларини тасдиқлаш бўйича топшириқ берилди.

Шу ерда нурунийлар, жамоатчилик вакиллари билан самимий сўхбат бўлди.

— Улуғ айём кунларда сизлар билан учрашганимдан хурсандман. Меҳр кўзда дегандек, ёшлар, нурунийлар билан гаплашсам ўзимга куч, катта режалар оламан. Одамларнинг ҳар бир гапи менга маъсулият бағишлайди. Халқимизни рози қилса, иншооллох, ажри ҳам бўлади, — деди Президент.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**  
**ЎЗА мухбирлари**

# ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Бошланғичи 1-бетда

Пандемияга қарамай, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ўтган йили уч баробар кўпайиб, 500 миллион доллардан ошди.

Юқори технологиялар ва инновациялар, автомобиль саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, энергетика, тиббиёт, таълим ва туризм каби соҳаларда қўшма лойиҳалар портфелини шакллантиришга асосий вазифа этиб белгиланди. Бу бўлажак олий даражадаги учрашувларнинг сермазун кун тартибини шакллантиришга хизмат қилади.

Миср элчисига мурожаат қилар экан, Ўзбекистон Президенти икки томонлама муносабатларимиз сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишини таъкидлади.

Бунга Миср Президенти Абдулфаттоҳ Ас-Сиси 2018 йил сентябрь ойида мамлакатимизга амалга оширган тарихий ташрифидан сарфари натижалари хизмат қилди.

Ҳамкорлик бўйича ишга солинмаган улкан салоҳиятдан самарали фойдаланиш, жумладан, ҳамкорликнинг институционал механизмларини фаоллаштириш тақдир қилинди.

Қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик саноати, фармацевтика, савдо, туризм, таълим ва бошқа соҳаларда аниқ лойиҳа ва дастурларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мазрифатли ислом ғоялари ва қадриятларини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш муҳим йўналишлардан бири сифатида қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг яқин ва ишончли ҳамкори — Иордания билан икки томонлама муносабатларини янада ривожлантириш муҳим эканини таъкидлади.

Шерикликни фаоллаштириш учун зарур ҳуқуқий асосларни шакллантириш, савдо, кооперация ва ишбилармонлик алоқаларини йўлга қўйиш, маданий-гуманитар алмашинув дастурини таъйинлаш муҳимдир.

Бундан ташқари, БМТ, ИХТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар доирасидаги яқин мулоқот ва ўзаро кўмак давом эттирилади.

Ўзбекистон Президенти олий даражада ўтказилаётган мунтазам ва самарали мулоқотлар туфайли Туркия билан стратегик шериклик муносабатларида эришилган бугунги даражани юқори баҳолади.

Бугун ишончга асосланган сиёсий мулоқот қарор топди. Пандемияга қарамадан, делегациялар билан алмашинув фаол давом этмоқда. Хусусан, кейинги ойлarda Туркия ташқи ишлар ва савдо вазирлари бошчилигидаги делегациялар ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Туркиянинг етакчи компания ва банклари иштирокида йирик савдо, инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари амалга оширилмоқда. Худудлараро мулоқотлар йўлга қўйилди, таълим, маданият ва кино соҳаларида қўшма дастур ва тадбирлар муваффақиятли ўтказилмоқда.

Бўлажак саммитларга — Туркий кенгашининг Истанбулдаги навбатдаги йиғилиши ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаниннг Ўзбекистонга расмий ташрифига тайёргарлик қилинмоқда.

Европа Иттифоқи аънаваный равишда мамлакатимизнинг муҳим стратегик шериги бўлиб ҳаракат қилмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги тенг ҳуқуқлиқ, ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган кўп қиррали ҳамкорлик янги суруъат касб этди.

Европалик ҳамкорлар томонидан юртимизга амалга оширилаётган демократик янгиланишлар, иқтисодий ислохотлар ва трансформация жараёнларида қўрсатилаётган ҳар томонлама кўмак алоҳида қайд этилди. Мамлакатимизга ЕИ Преференциялар беш тизимининг бенефициари мақоми берилгани биргаликда эришилган муваффақият ва икки томонлама муносабатларнинг муҳим ютуғи сифатида эътироф этилди.

Бугунги кунда Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим лойиҳаси юзасидан фаол музокаралар давом этмоқда. "Ўзбекистон — Евроиттиқоқ" ва "Марказий Осиё — Евроиттиқоқ" форматларида самарали мулоқот ҳам ривожланмоқда.

Олий даражада ўтказилиши режалаштирилган тадбирлар кўп қиррали Ўзбекистон — Европа муносабатларини принципал

жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистон билан Россиянинг стратегик шериклиги ва иттифоқчилиги мисли кўрилмаган юқори даражага етди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар ва ўзаро қўллаб-қувватлаш туфайли ҳамкорликнинг барча йўналишларида жадал ривожланиш кузатишмоқда.

Савдо, инвестициялар, энергетика, саноат, металлургия, қишлоқ хўжалиги, транспорт, инфратузилма, банк-молия, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, туризм ва қўллаб-қувватлаш бўлиб, иқтисодий ҳаётнинг барча йўналишларида ийрик лойиҳа ва дастурлар амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳрида яқинда ўтказилган "Иннопром" халқаро кўргазмаси Россиядан ташқарида илк бор ташкил этилган бўлиб, кенг қўламли ҳамкорликда улкан салоҳият ва имкониятлар мавжуд эканини яна бир бор намоийш этди.

Бундан ташқари, МДҲ, ШҲТ, Евроосиё иқтисодий иттифоқи ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги ўзаро манфаатли мулоқот кенгайиб бормоқда.

Бугунги кунда томонлар Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путиннинг Москвадаги бўлажак саммитига жиддий тайёргарлик қўраётгани таъкидланди. Ушбу учрашув икки томонлама стратегик ва иттифоқчилик муносабатларини ривожлантиришда янги тарихий босқични бошлаб бериши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида дипломатик ваколатхоналар раҳбарларига уларнинг Ўзбекистон билан дўстлик ушталари ва кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлидаги маъсулиятини ва шарофатли фаолиятига катта муваффақиятлар ва зафарлар тилади.

Ўзбекистон Президенти янги тайинланган элчилар билан қисқа суҳбатлар ўтказди.

Дипломатлар самимий қабул ҳамда самарали фаолият олиб боришга яратилган шароитлар учун миннатдорлик билдириб, икки томонлама алоқаларни ҳар томонлама ривожлантиришга бор куч-ғайратини сафарбар қилишини қайд этдилар.

ЎЗА

# ХОРИЖЛИК ДИПЛОМАТЛАР: ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШДА ҚАТЪИЙМИЗ

23 апрель куни Ўзбекистон Президентига қатор хорижий дипломатларнинг ишонч ёрлиқларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Тантанали маросим якунида улар "Дунё" АА саволларига жавоб берди:

1. Мухтарам (мухтарам) элчи, ўзингиз ва дипломатик фаолиятингиз ҳақида гапириб берсангиз.
2. Ўзбекистонга қандай режалар билан келдингиз ва мамлакатимиздан олган биринчи таассуротларингиз қандай бўлди?
3. Бугун Сиз Ўзбекистон Президентига ишонч ёрлиқлари топширдигиз. Ушбу тадбирдан олган таассуротларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

**Амира ФАҲМИЙ,**  
**Мисрнинг Ўзбекистондаги**  
**Фавқуллода ва мухтор элчиси:**



Амира Фаҳмий Миср пойтахтида туғилган. Ҳоҳира университетини тамомлаган, иқтисодиёт ва сиёсатшунослик бўйича бакалавр даражасига эга. Мазкур олий билим юрти иқтисодиёт ва сиёсатшунослик факультетининг Ривожланаётган мамлакатларни ўраганиш марказида илмий тадқиқот олиб борган. Инглиз, француз ва япон тилларида сўзлашади.

1. Мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлигига 23 йил олдин ишга кирганман. Японияда ишладим, Мисрнинг БМТдаги доимий ваколатхонасининг маслаҳатчиси бўлидим. Мен у ерда Бош ахсамблеянинг учинчи кўмитасига (инсон ҳуқуқлари) раҳбарлик қилдим. Сўнгги йилларда хорижий нодавлат ташкилотлар, миграция ва қочқинлар департаментини бошқардим, вазирликнинг Африка иттифоқи ишлари бўйича бўлинимаси директорининг ўринбосари лавозимида фаолият юритдим.

Инсон ҳуқуқлари, одам савдоси, халқаро миграция ҳуқуқи, халқаро қочқинлар ҳуқуқи, низоларнинг олдини олиш ва тинчлик ўрнатиш, оммавий аҳборот воситалари ва санъат, Европа хавфсизлиги масалалари бўйича касбий ҳамда илмий таърибга тўғлаганман. Ташқи ишлар вазирлигига ишга киришдан олдин етакчи илмий марказларда сиёсатшунос бўлиб ишладим.

Мен биринчи марта мамлакатимиз элчиси лавозимига киришдим. Цивилизация бешиги ва афсонавий мамлакат булган Миср номидан Марказий Осиёнинг гаҳари бўлган Ўзбекистонда фаолият юритиш мен учун катта шарофидир. Элчи бўлиш менинг энг катта орузум бўлган. Қўллаб ҳамкасбларимдан фарқли ўлароқ, университетга кирган биринчи кунимданок

келажакда ким бўлишим ҳақида аниқ тасаввурим бор эди. Бу — аёл элчи бўлиш нияти эди. Буюк Хитой файласуфи Конфуций "Ўзинг ёқтирган ишни танла, ушанда ҳаётингда бир кун ҳам ишламайсан", деб таъкидлаган. Менинг мисолида айнан шундай бўлаётти: мен ишлайман ва ўз ишимни катта иштиёқ билан яхши кўраман.

2. Мисрнинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси этиб тайинланишим билан ҳаёлимга биринчи бўлиб Тошкент халқаро кинофестивали келган. Мен кино санъатининг ашаддий мухлисасиман ва Миср вакиллари ушбу фестивалда фаол қатнашганини яхши биламан. Мамлакатимизнинг қўллаб кино юлдузлари Тошкентга келган, баъзи фильмларимиз совриндор ҳам бўлган. Миср ва ливанлик муаллифларнинг Самарқанд ҳақидаги иккита қизиқарли романи Ўзбекистон жаҳон маданий мероси мамлакатни экани ҳақидаги тасаввуримни бойитди. Масжидлар, миноралар, музейлар, мафтункор ва сеҳрли саройлар... Марказий Осиё гаҳари ва юрагида ишлаётганимдан жуда фахрланаман.

Тошкентга келган кунларим шаҳар замонавий, шинам, жуда озода ва ҳатто қиш фаслида ҳам яшил кент сифатида хайратга солди. Ўзбекистон ўз меҳмондўстлиги билан менда катта таассурот уйғотди. Бироқ шунинг олтишми кераки, бу энди таассуротлар эмас, балки аниқ далиллар эди. Мен ўз мамлакатини фаровон қилиш ва барча соҳаларда ривожланишга интилаётган, аждодларим тарихини қадрлайдиган, гуллар, боғлар, маданият ва опера гузаллигига меҳр қўйган кишиларни кўрдим. Бизни умумий қадриятларимиз бирлаштириб турибди ва мамлакатларимиз тараққиёти йўлида қатъий ҳаракат қиламиз. Биргаликда ишлаш учун чексиз имкониятлар мавжуд.

3. Зиммамга Мисрдек буюк давлатнинг вакили бўлиш, унинг манфаатларига хизмат қилиш, ўзимдан аввалги элчилар эришган ютуқларни ривожлантиришдек ниҳоятда шарофат ва муҳим вазифа, катта масъулият юкланганини жуда яхши ҳис қиламан. Бу ҳаракатлар мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклигини мустаҳкамлаш мақсадида йўналтирилди. Бу мен учун катта шароф. Мен Президент Шавкат Мирзиёев Жаҳон Олийларига ишонч ёрлиқларини топширганман, дан катта ҳажжонга тушдим.

Миср Ўзбекистон билан дипломатик алоқа ўрнатган биринчи давлатлар қаторига кириди. Келаси йил январь ойида биз ушбу тарихий воқеанинг 30 йиллигини нишонлаймиз.

Миср Президенти Абдулфаттоҳ Ас-Сиси Жаноби Олийларининг 2018 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга тарихий ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ажойиб муносабатларда катта силжиш бўлди. Ушбу ташриф доирасида аниқ натижаларга эришилди ва ҳамкорликнинг устувор йўналишлари аниқлаб олинди. Биз Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг Мисрга ташрифини орзиқиб кутаямиз. Бу воқеа ўзаро муносабатларимизда тарихий аҳамият касб этди.

Мисрнинг Ўзбекистондаги элчиси сифатида мамлакатлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга бор салоҳиятимни сафарбар этишга ҳаракат қиламан.

**Олган БЕКАР,**  
**Туркиянинг Ўзбекистондаги**  
**Фавқуллода ва мухтор элчиси:**



Олган Бекар 1969 йили Гулнар шаҳрида туғилган. Анқара университети сиёсатшунослик факультетини "Халқаро муносабатлар" мутахассислиги бўйича тугатаган. Ушбу олий ўқув юрти қошидаги Турк инқилоби тарихи институтининг магистри ва Вена (Австрия) университетининг сиёсий фанлар доктори даражасига эга. Инглиз тилида сўзлашади.

**Олег МАЛЬГИНОВ,**  
**Россия Федерациясининг**  
**Ўзбекистондаги Фавқуллода**  
**ва мухтор элчиси:**



Олег Мальгинов 1957 йилда Екатеринбургда туғилган. Москва давлат халқаро муносабатлар институтини тамомлаган. Инглиз ва ҳинд тилларида сўзлашади.

1. Қўллаб ҳамкасбларим сингари, мен ҳам Мисрга давлат халқаро муносабатлар институтини тутганим ва болалик орузумини амалга ошириб, дипломат бўлидим. Фаолиятимнинг бошланғич босқичи Ҳиндистон

1. Туркия Республикасининг биз аждодларимиз ватани деб атайдиган Ўзбекистондаги элчиси этиб тайинланганим мен учун катта шарофидир. Узини дипломатик хизматга бағишлаган ҳар бир киши учун чет элчи сифатида ўз мамлакатини номидан фаолият юритиши катта ғурурга сабаб бўлади. Бошқа томондан, туркиялик дипломатлар учун бир қанча давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам бор-ки, бу ерда элчи бўлиш шарофидир.

Шу маънода мен ўзимни жуда омадли турк дипломати деб биламан. Хориждаги фаолиятимни мамлакатимиз учун худди Ўзбекистон сингари муҳим бўлган Озарбайжонда бошлаганман. Кейинчалик мамлакатимизнинг Мюнхендаги (Германия) Бош консулхонасида, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотиди (ЕХХТ) доимий ваколатхонаси раҳбарининг ўринбосари бўлиб ишладим. Ўзбекистон ҳам ушбу халқаро ташкилотга аъзо бўлган. Ташқи ишлар вазирлигида Жанубий Африка бош бошқармаси бўлим бошлиғи лавозимида фаолият юритганман. 2014 йилда Туркиянинг Сомалидаги элчиси этиб тайинландим ва у ерда тўрт йил хизмат қилдим. Ўзбекистондаги лавозимга тайинланишимдан олдин халқаро ҳамжамият томонидан диққат билан кузатиб борилаётган Сомалида сиёсий барқарорликка эришиш учун тинчлик музокаралари бўйича Туркиянинг махсус вакили бўлиб ишладим.

2. Турклар Ўзбекистонда ўзини уйдигандек ҳис қилади. Гарчи мамлакатда иш бошлаганим икки ой бўлаётган бўлса-да, мен ўзимни тинч, хотиржам ва хавфсиз ҳис қиламан, гўёки бу ерда узок йиллар давомида яшаётгандекман.

Албатта, умумий тилимиз ва маданиятимиз таъсири жуда катта. Маълумки, Ўзбекистон азалдан қадимий тарихга эга, тили, дини

билан чамбарчас боғлиқ. У ерда мен элчи-хона фаолиятининг асосларини ўргандим, ҳинд тили бўйича билимимни оширдим.

Дипломатик хизматнинг ўзига хос жиҳатларидан бири — бу ўзингни бутунлай бошқа йўналишларда ҳам синаб қўриш учун имконият тақдим этилишидир. 90-йилларда мен Россиянинг Женевадаги БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхонасида узок вақт ишладим. 2003 йилда эса яна Жанубий Осиёга қайтдим ва биринчи марта элчи лавозимига тайинландим — Россиянинг Бангладеш Халқ Республикасидаги дипломатик ваколатхонасини бошқардим. Руминияда элчи бўлиб ишлаган йилларим воқеалар жуда ҳам бой бўлди. Умуман олганда, шунинг таъкидлашнинг истардимки, Европа таърибига менга инсон ҳуқуқлари соҳасида жуда катта ёрдам берди.

Ўзбекистонга тайинланишимдан олдин Ташқи ишлар вазирлигининг чет элдаги ватандошлар билан ишлаш департаментини бошқарганман. Эҳтимол бу Россиянинг Ўзбекистондаги элчиси лавозимига меннинг номзодим танланганидаги омиллардан бири бўлгандир. Ахир бу ерда бизнинг кўп сонли диаспораларимиздан бири — 1 миллионга яқин киши яшайди. Улар орасида руслар, татарлар, бошқирлар, Крим татарлари бор.

2. Мен учун мулқо янги минтақа бўлган Ўзбекистонда ишлаш — бу бир вақтнинг ўзида ҳам синовли босқич, ҳам Шарқ дипломатияси дунёсига кириш, ўзбекистонлик ҳамкасблардан соҳанинг энг яхши хислатларини ўрганиш учун қулай имкониятдир. Ўзбекистон бугунги кунда Россиянинг минтақадаги асосий шериги ҳисобланади.

3. Бугун, албатта, ҳаётимдаги энг муҳим кунлардан биридир. Мени Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари қабул қилгани ва Президент Режеп Таййип Эрдоғун Жаноби Олийлари йўллагани ишонч ёрлиқларини топширганидан жуда бахтиёрман.

Узоқни кўра биладиган икки давлат раҳбари — Президент Режеп Таййип Эрдоғун ва Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида мамлакатларимиз замонавий чакриқлар олдига ишонч билан олға интилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган ислохотлар нафақат стратегик шериклигимиз ва Ўзбекистоннинг фаровон келажигини кафолатлайди, балки Марказий Осиё минтақаси ҳамда ундан ташқарида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Туркия Республикаси биз учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган мамлакат — Ўзбекистон томонидан олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар дастурини қатъий қўллаб-қувватлайди.

Ўзаро муносабатларимиз коронавирус пандемиясига қарамадан, мисли қўрилмаган ўсиши бошдан кечирмоқда. Ақинча, COVID-19 билан боғлиқ умумий синов, менимча, алоқаларимизнинг чинакам қардошлиқ хусусиятини янада ёрқин очиб берди.

Албатта, бу кўп жиҳатдан раҳбарларимиз Владимир Путин ва Шавкат Мирзиёевнинг улкан хизматларидир. Уларнинг доимий алоқалари барча соҳаларда — сиёсат ва иқтисоддан тортиб ядро энергетикаси, маданият, таълим ва туризм соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун замин яратди. Ўзбекистон Президентининг жорий йил Россияга режалаштирилган давлат ташрифи, аминмани, бизга йирик лойиҳалар ва шартномалар олиб келади. Мамлакатларимизнинг стратегик шериклик ва иттифоқчилик сифатида муносабатларини янада мустаҳкамлайди.

Илк таассуротларимга келса, кутганимдек, Тошкент мени қўшли об-ҳаво билан қутиб олди. Ўзбекистон қўши мамлакатларимиз ўртасидаги илқ ва самимий муносабатларнинг рами бўлишига ишонаман.

# СЕНАТ ЯЛПИ МАЖЛИСИ: МАМЛАКАТ ҲАЁТИГА ОИД ДОЛЗАРЪ ҚОНУНЛАР МАЪҚУЛЛАНДИ, МУҲИМ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Бошланиши 1-бетда

Ялпи мажлисда ана шу масалалар бўйича Сенатнинг тегишли қўмиталари раислари ахборотлари эшитилди.

Олий Мажлис Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси кун тартибидоги биринчи масала — 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2021 йил биринчи чорагидаги ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботи эшитилди.

Таъкидланганидек, жорий йилдаги Давлат дастури 273 банддан иборат бўлиб, унинг ижроси доирасида умумий қиймати 29,5 триллион сўм, 2,6 миллиард АҚШ доллари ҳамда 57,5 миллион еврога тенг лойиҳаларни амалга ошириш назарда тутилган. Биринчи чорада ижроси таъминланиши белгиланган 41 та топшириқнинг 32 таси тўлиқ bajarилган.

Хукумат томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида Давлат дастурида ижро мuddати келмаган 15 та банддаги вазифалар bajarилгани таъминланган.

Ҳисобот даврида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,0 фоизни ташкил қилган. Савдо айланмаси ҳамми 46,7 триллион сўмга етиб, ўтган йилга нисбатан 102,8 фоизга ўсган. Давлат бюджети ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар 18,2 триллион сўмини ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 38,6 фоизга ошган.

Эркин иқтисодий зоналарда умумий қиймати 2,6 миллиард доллар, шундан 818 миллион доллари тўғридан-тўғри инвестиция бўлган 453 та лойиҳа амалга оширилган ва бунинг натижасида 35 минг 897 янги иш ўрни ташкил этилган.

Ҳар бир туман (шаҳар)да "Ёшлар дастурлари" ижроси тизимли йўлга қўйилиб, 271 минг 495 нафардан ортик ёшнинг бандлиги таъминланган. 62 минг 441 нафар йигит-қиз касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитилган ҳамда 27 минг 236 нафар ёш "1+1" лойиҳаси асосида тадбиркор ва уста-хунармандларга бириктирилган.

Янги ташкил қилинган "Ёшлар жамғармалари" маблағларидан 17 миллиард 504 миллион сўм маблағ сарфланиб, "Ёшлар дафтари"га кирган 24 минг 904 нафардан ортик йигит-қизнинг муаммолари ҳал этилишига қўмақлашилган.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида 660 минг доза AstraZeneca ва 1 миллион доза ZF-UZ-VAK 2001 вакцинаси олиб келинган. Эмлаш ишларини амалга ошириш учун республикада 3 минг 138 та пункт ва 862 та ҳаракатдаги бригада ташкил этилган.

Мажлисида сенаторлар томонидан Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлар билан бирга айрим камчиликлар ҳам маъжудлиги таъкидланди.

Хусусан, Давлат дастурида ижроси биринчи чорада таъминланиши белгиланган баъзи топшириқлар ўз вақтида bajarилмаган. Жумладан, дастурининг 145-бандида 1 мартга қадар аҳолининг минимал истеъмол харажатларини эълон қилиш амалиётини йўлга қўйиш вазифаси қайд этилган бўлиб, мазкур

банд ижроси юзасидан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинмаган.

Дастурининг 120-бандида 20 мартга қадар қишлоқ ҳўжалигида ер муносабатлари бўйича ислохотларни янада такомиллаштириш, ерларни бозор активларига айлантириш ҳамда ер участкаларини ижара ҳўқуқи билан фойдаланишга беришнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилиши белгиланган. Бироқ мазкур топшириқ bajarилмаган.

Шунингдек, айрим ҳўжатлар лойиҳалари ижрозчилар томонидан ўз вақтида ишлаб чиқилмагани ҳудудларда шу йўналишдаги ислохотларга салбий таъсир кўрсатаётгани ҳам таъкидланди.

Қизгин савол-жавоблар асосида ўтган Давлат дастури ижроси муҳожирликка сенаторлар аҳоли томонидан қўллаб-қувватлашга сабаб бўлаётган масалаларга алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, Давлат дастурининг 38-бандидаги Инфляциявий таргетлаш доирасида 2021 йилда инфляция даражасини 10 фоиздан оширмастик ҳамда нарх-наво барқарорлиги, Давлат дастурининг 43-бандидаги давлат қарзи бўйича маълумотларнинг янада очиқлигини таъминлаш вазифаси bajarилгани ҳолати, 120-банддаги Қишлоқ ҳўжалигида ер муносабатлари бўйича ислохотларни янада такомиллаштириш, ер участкаларини ижара ҳўқуқи билан фойдаланишга беришнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш, 261-банддаги хорижий мамлакатлардаги Ўзбекистон меҳнат мигрантларига хизмат кўрсатиш, уларнинг ҳўқуқ ва манфаатлари

ни самарали ҳимоя қилиш тизимини тубдан ривожлантириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар каби масалалар юзасидан мутасаддилар жавоблари эшитилди.

Муҳожималар сўнггида Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенатнинг ўн тўртинчи ялпи мажлисида прокуратура органлари, Ҳисоб палатаси ҳамда Марказий банкнинг 2020 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар тингланди.

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳўқуқий ҳолати тўғрисида"ги, "Лицензиялаш, рўхсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги, "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги, "Психиатрия ёрдами тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги, "Санитария-эпидемиология хизмати такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси, бир томондан ва Буюк Британия ва Шимолий Ирландия, иккинчи томондан, ўртасида шерикчиликни таъсис этувчи шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битими (Тошкент, 2019 йил 31 октябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари муҳожима қилинди.

Қонунлар сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси биринчи иш куни якулланди.

# "C5+1" ШАКЛИДАГИ НАВБАТДАГИ УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ

23 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов видеоконференцадо орқали Марказий Осиё давлатлари ва АҚШ ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг "C5+1" шаклидаги навбатдаги учрашувида иштирок этди.

Учрашувда Қирғиз, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон Республикалари Ташқи ишлар вазирилари ва АҚШ давлат котиби қатнашди.

Ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари иқтисодиёт, минтақада хавфсизликни таъминлаш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш ҳамда Афғонистонда мустаҳкам тинчликка эришишга қўмақлаш йўналишларидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари бўйича фикр алмашдилар.

Марказий Осиё давлатлари ўртасида дўстлик ва яхши қўшничилик алоқаларини қучуқлаштириш, минтақада барқарорликни таъминлаш ва унинг иқтисодий тараққиётига эришиш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналиши ҳисобланиши қайд этилди.

Ўзбекистон ТИВ раҳбари иқлим ўзгариш таҳдидларини самарали ҳал қилиш борасидаги халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштириш масалаларига тўхтади. Вазир тадбир иштирокчилари диққатини Орол денгизи фалокатининг Марказий Осиёдаги экотизим ва биохилма-хилликка қўрсатаётган салбий таъсирига қаратди. Шу нўқтаи назардан Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича БМТ шафелигидаги кўпшериклик Траст фонди доирасидаги ҳамкорликни фаоллаштиришнинг муҳимлиги эътироф этилди.

Қайта тикланувчи энергия манбалари технологиялари ва экологик барқарор инновацияларни жорий этиш, сув ресурсларини бошқаришни рақамлаштириш ва сувни тежовчи технологияларни қўллаш қўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

А.Комилов Марказий Осиё давлатлари ва АҚШ ташқи сиёсат идоралари раҳбарларини жорий йил июль ойида Тошкент шаҳрида ўтказиладиган "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзусидаги юқори даражали халқаро конференцияга таклиф қилди.

ЎЗА

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

## "AVESTA" АА: ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ — ТИНЧЛИКПАРВАРЛИК СИЁСАТИ

Тожикистоннинг "Avesta" ахборот агентлиги Россия-Тожикистон (Славян) университети (РТСУ) профессори, РТСУ геосиёсий тадқиқотлар маркази директори Гўзал Майтдинованинг "Ўзбекистон ташаббуслари — тинчликпарварлик сиёсати" сарлавҳали мақоласини эълон қилди.

— Ўзбекистоннинг дунёга очиқлик бўйича янги сиёсати Марказий Осиё минтақасида геосиёсий ўсиш суръатларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси Марказий Осиёда давлатлар муносабатларининг мустаҳкамланиши ва барқарорлигини, иқтисодий интенсивлаштириш ҳамда гуманитар ҳамкорликда ўз аксини топиб, муҳим аҳамият касб этипти, — деб ёзади мақола муаллифи.

Мақолада Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида 2016 йилдан қайта бошланган дўстона муносабатлар, ҳамкорлик алоқалари ҳақида сўз борар экан, бунда Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари муҳим роль ўйнагани алоҳида эътироф этилади.

Давлатларимиз етакчилари кўп йиллар давомида баҳсли бўлиб келган чегара масалаларини ҳам ечишда фаоллик кўрсатишгани, пировардида аҳил қўшнилик ва дўстлик алоқалари янги босқичда ривожлана бошлагани, бу эса турли иқтисодий лойиҳаларнинг амалга ошишига йўл очгани айтилади.

Профессор Г.Майтдинова мамлакатларимиз ўртасидаги чегара муаммолари ҳал этилиши Фарҳод ГЭСи билан боғлиқ, Марказий Осиёга таъсирли яна бир баҳсли масалага ечим бўлганини қайд этади.

Мақолада Ўзбекистоннинг тинчликпарварлик сиёсати ҳақида ҳам сўз боради. Жумладан, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги Ўзбекистон ташаббуслари қўллаб-қувватланади. Ўзбекистон Марказий ва Жануби-шарқий Осиё давлатлари, жумладан, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича ҳам амалий қадамлар ташлагани, бунда Трансафғон темир йўли қурилиши муҳим аҳамият касб этиши таъкидланади.

Бундан ташқари, муаллиф Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеяси сессияси асосий мавзуси сифатида қашшоқликни тугатиш ва камбағалликни қисқартириш масаласини илгари сургани, бунда барча давлатларни ҳамкорликка чақириб, глобал саммит ўтказиш бўйича билдирган ташаббуси халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланганини қайд этади.

## МУНОСАБАТ

# ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ РИВОЖИ

## Минглаб янги иш ўринлари яратилишига йўл очади

Қуни кеча Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаси йўналишларини ривожлантириш масалалари муҳожима қилинди. Қайд этилганидек, хизмат кўрсатиш соҳаси кенг қамровлиги билан иқтисодиётда, аҳоли ҳаётида

муҳим ўрин тутди. Уни ривожлантириш орқали қисқа ва тез муддатда янги иш ўринларини яратиш мумкин.

Йиғилишда хизмат кўрсатиш соҳасига доир ҳар бир лойиҳа ижросини назоратга олиб, тадбиркорларга қўмақлашиш, шу билан бирга, янги лойиҳаларни

шақллантириб бориш юзасидан тегишли мутасаддиларга кўрсатмалар берилди. Бунинг учун вазирлик ва идоралар раҳбарлари ўз йўналишида хизматлар ривож учун астойдил ҳаракат қилиши зарурлиги таъкидланди.

### Алишер МИРСОАТОВ, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси:



— Давлатимиз раҳбари Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг сервис соҳасини ривожлантириш бўйича маъсул ташкилот этиб белгилади. Ушбу топшириққа

асосан, банк тизимида республикадаги ҳар бир туманда лойиҳа тахлилий марказлари ташкил этилади. Улар хизматларга бўлган талабни маҳаллаба, туманба, вилоятба ўрганиб чиқади. Ҳар бир туман бўйича хизмат кўрсатиш сони ва салоҳиятини уч-тўрт барабар оширишга хизмат қиладиган лойиҳаларни шакллантиради. Президентимиз таъминлиги бизнинг лойиҳаларни молиялаштириш учун 300 миллион АҚШ доллари ажратилди.

### Шерзод ҲИДОЯТОВ, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири:



— Президентимиз уй-жойни бошқариш ва бошқарув компаниялари фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш бўйича топшириқлар

берди. Ўз навбатида, биз ҳам аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида бошқарув компанияларини ривожлантириш, уларнинг ишчи-мутахассисларини ўқитиш ва кўпайтириш, кўп қаватли уй-жойларни яхши бошқариш сервисини йўлга қўйиш бўйича таклифларимизни билдирдик. Жумладан, мамлакатимизда кўп қаватли уйларни қурган ташкилотларнинг бошқарув компанияларини очиб, ўзлари барпо қилган турар жойларни улар ихтиёрига икки йилга бошқарува

берди. Бу жараёнда хориж тажрибаси ўрганилади.



### Жамшид ХЎЖАЕВ, қишлоқ ҳўжалиги вазири:



— Пандемия шароитида энг кўп зарар қўрган соҳалардан бири, айнан хизмат кўрсатиш тармоғи бўлди. Лекин давлат томонидан берилган қарийб 35 триллион сўм маблағ хизмат кўрсатиш соҳасининг оғир шароитдан

— Қишлоқ ҳўжалигида хизмат кўрсатиш жуда ҳам кенг қўламли соҳа саналади. Уч йил олдин давлатимиз раҳбари бошчилигида қишлоқ ҳўжалиги модернизациясини бошлаганмиз. Таъбир жоиз бўлса, бутун ишлаб чиқариш занжирини қамраб олган йирик-йирик кластерларни ташкил этиш — ушбу жараёнинг асосий йўналишларидан бири. Ҳар бир йўналишда, яъни пахтачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик, чорвачиликда кластерлар фаолияти йўлга қўйилди бошланди. Уларнинг ташкил этилиши

### Сайдқаҳор ХОЛХЎЖАЕВ, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари:

чиқиб олишида муҳим аҳамият касб этди. Натижада 102 фоиз ўсишга эришилди. Давлатимиз раҳбаридан жорий йилда ҳам мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, қуйи хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бўйича қатор топшириқларни олдиқ. Жумладан, бу йил хизматлар кўрсатиш ҳажминини 270 триллион сўмдан ошириш белгиланди. Бунинг

учун камида 42 мингта янги лойиҳани амалга ошириш ва қўшимча 150 мингта иш ўрни яратиш бўйича топшириқ берилди. Бундан ташқари, давлат томонидан тижорат банклари орқали хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қўшимча 300 миллион доллар маблағ йўналтирилади. Шу билан бирга, тижорат банклари ҳам

қишлоқ ҳўжалигида хизматлар турини кўпайтириш билан бирга ҳар бир туманда жорий этиш имконини беради. Ҳозир хусусий сектор томонидан ҳали кенг қамраб олинмаган хизматлар сифатини ошириш, уларни кўпайтириш, ҳар бир туманда йўлга қўйиш бўйича давлатимиз раҳбари аниқ топшириқлар берди. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда барча кучимизни сафарбар этиб, мана шу хизматларнинг деҳқон ва фермерларга етиб боришини таъминлаймиз.

бу соҳага ўз маблағларини йўналтириши белгиланди. Бу йилги режа бўйича камида 18 триллион сўм банк кредити ажратилиши кўзда тутилмоқда. Уйлайманки, соҳага қаратилган бундай эътибор тез фурсатларда ўз самарасини беради ва давлатимиз раҳбари томонидан вазирлик ва ҳокимликларга юкланган вазифалар ижроси тўлиқ таъминланади.

### Ботир ЗАРИПОВ, Бухоро вилояти ҳокими:



— Вилоятимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда йўл бўли инфратузилмаси ҳамда бўш турган объектлардан оқилона фойдаланиш бўйича катта имкониятларга эгамиз. Бундан ташқари, ахборот технологияларини тараққий эттириш ҳамда, энг асосийси, Бухоро вилоятида туризм хизматларини кенгайтириш борасида ҳали фойдаланилмаган жуда катта имкониятларимиз бор. Биз шу йўналишлар бўйича давлатимиз раҳбаридан аниқ топшириқларни олдиқ. Яна қўшимча қилиш мумкинки, вилоятимизда кўп

қаватли уйлар қурилиши аважда. Ҳисоб-китобларимизга кўра, уларнинг биринчи қаватида уч мингдан ортик хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил этиш мумкин. Бизнинг галдаги вазифамиз — мана шу қурилишларни жадаллаштириш, жумладан, уларнинг биринчи қаватидаги шохобчаларни тезда ишга тушириш. Шу орқали хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш имконига эга бўлаемиз.

Вилоятимизда 96 та бозор инфратузилмасини тубдан яхшилаш кўзда тутилган. Шу йил охиригача ишни якунига етказамиз. Бу ерда ҳам хизмат кўрсатиш ривожлантириш бўйича қўшимча имкониятлар яратилади. Жорий йилнинг биринчи олти ойида bajarиладиган ишлар натижасига ва йил якунига кўра, 2020 йилга нисбатан хизматлар кўрсатиш ҳажминини икки баравар ошириш вазифасини зиммамизга олдиқ.

## БАНК ТИЗИМИ

# РЕВОЛЬВЕР КРЕДИТЛАР: МОЛИЯВИЙ Қўллаб-қувватлаш дастаги

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,  
иқтисодий шарҳловчи**

Тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор йўналиши этиб белгиланган ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Хусусан, ўтган йили кичик бизнес субъектларига жами 120 триллион сўмлик кредит ва молиявий ёрдамлар ажратилди. Натигада, пандемиядан зарар кўрган 104 мингдан ортиқ корхона фаолияти тикланиб, хусусий корхоналар пул айланмаси аввалги йилга нисбатан 33 фоизга ўсди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 27 мингта янги тадбиркорлик субъекти ташкил топди. Мазкур соҳа учун ажратилган кредитлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 13 фоизга ошди.

Президентимиз раислигида 8 апрель куни ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йи-

жамини рағбатлантириш агентлигининг 1 триллион сўми ҳисобидан экспортёрларга револьвер кредитлар ажратиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Шу ўринда савол туғилади. Қўш, револьвер кредитнинг ўзи нима?

Энг аввало, қайд этиш жоиз, револьвер, деганда бизнинг кўз ўнгимизга келадиган тўпчанча бунинг ҳеч бир алоқаси йўқ. Иқтисодий лўғатларда изоҳланиши-



Тадбиркорлик ривож учун айланма маблағ сув билан ҳаводек зарур. Ана шу муҳим жиҳатни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда жорий йилда тадбиркорларга айланма маблағлар учун камида 40 триллион сўм кредит берилиши мўлжалланмоқда.

келишилган муайян муддат давомида исталганча такрорланиши мумкин.

Тадбиркорлик ривож учун айланма маблағ сув билан ҳаводек зарур. Ана шу муҳим жиҳатни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда жорий йилда тадбиркорларга айланма маблағлар учун камида 40 триллион сўм кредит берилиши мўлжалланмоқда.

— Тижорат банклари тадбиркорлик субъектларига, хусусан, экспортёрларга улар фаолияти учун зарур бўлган айланма маблағлар билан тўлдиришга қаратилган молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини мунтазам қўллаб келмоқда, — дейди Марказий банкнинг бошқарма бошлиғи Олим Болғаев.

Бу, айниқса, пандемия шароитида, иқтисодий фаоллик узлуксизлиги ва иқтисодий ўсиш таъминланишида муҳим аҳамиятга эга. Марказий банк томонидан бу борада макроиктисодий таҳлилларга биноан, доимий равишда тижорат банкларига тавсия ва кўрсатмалар бериб келиняпти. Улар асосида ҳозирги кунда молия бозорига тенг рақобат шароитларини яратиш, кредит портфели ва таваккалчиликларини бошқариш сифатини яхшилаш мақсадида кредитлар ажратиш тўғрисида қарор

қабул қилишнинг самарали механизми жорий қилинган.

Юқори малакали андеррайтер гуруҳлари томонидан кредит ажратиш бўйича тезкор қарор қабул қилиш усули, модулли кредит маҳсулотларини таклиф этиш орқали кредит ажратиш жараёнини мақбуллаштириш, банклардаги мавжуд скоринг тизимларини янада такомиллаштириш ишлари амалга оширилди. Шу билан бирга, Марказий банк зарур ҳолларда банк тизимидаги ликвидликни таъминлаш учун ўз пул-кредит сиёсати воситаларидан фойдаланиб келмоқда.

Бунинг натижасида тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини айланма маблағлар билан таъминлашга 2020 йилда 31,1 триллион сўмлик турли қисқа муддатли, яъни, айланма маблағларга кредитлар, шу жумладан, револьвер кредити, факторинг, очик кредит линиялари каби молиявий хизматлар кўрсатилди.

Марказий банкнинг 2021 йил учун белгиланган чора-тадбирлари дастурига мувофиқ, банклараро пул бозоридаги депозитлар бўйича ижобий реал фоиз ставкалари шаклланишини таъминлаш ва бу йўналишда пул-кредит сиёсати инструментларидан (Марказий

банк облигациялари, депозит операцияларини ўтказиш орқали) самарали фойдаланиш чоралари кўрилади.

Маълумки, Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқирозли ҳодисаларнинг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан хусусий тадбиркорлик корхоналарига тақдим этилган айланма маблағлар, шу жумладан, истеъмол бозорини энг зарур товарлар билан тўлдириш учун қайта тикланадиган револьвер кредитлар ажратилиши белгиланган эди. Ҳуқуқий жиҳатдан револьвер кредитлар билан қўллаб-қувватлаш аниқ ҳаражатларини қўллаш шартли бўлишига қарамай, револьвер кредитларнинг таъминлашга қатъий маддад бериб келинмоқда.

— Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига айланма маблағлар учун ажратилган кредитлар 2020 йилда 31 триллион 119 миллиард сўмни, шу жумладан, 2020 йилнинг дастлабки чорагида 7 триллион 603 миллиард сўми ташкил этди, — дейди Олим Болғаев. — Тижорат банклари ўзининг ички кредит сиёсати ва бошқа меъёрий ҳужжатларидан, шунингдек, бозор талаби ҳамда реурс базасидан келиб чиқиб, бу кредитларнинг муддати, фоизи ва таъминотига бўлган талабни белгилайди. Тадбиркорлик субъектларини таъминлаш мақсадида олинмаган самара уларнинг молиявий малакаси, пул оқимини бошқариш қобилияти ва тажрибасига ҳамда бошқа кўникмаларига боғлиқ.

Ҳақиқатан, бу жиҳатларни ҳам унутмаслик керак. Олинган кредитларни бошқа мақсадларда ишлатиш ёки оқилона фойдалана олмай, ўз вақтида қайтара олмаслик муаммолари ҳам мавжуд. Ушбу ҳолат ҳар қандай корхонанинг келажагига тушов бўлиши, янги лойиҳаларни амалга оширишига монелик қилиши мумкин. Айниқса, тадбиркорлик субъектлари ва экспортёрлар учун янгидан-янги имкониятлар эшиги кенг очилаётган ҳозирги шароитда.

Хусусан, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан банк кредитлари таъминотининг бир қисми бўйича кафилик ва

кредит фоизларини қисман компенсация қилиш механизми жорий этилган. 2021 йилда ушбу компенсация микдорининг бериладиган кредитлар фоизи микдори Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан 1,75 бараваригача оширилиши тадбиркорлик субъектларининг ўз фаолият қўламини тиклаш ёки кенгайтириш мақсадида олинмаган айланма маблағларни тўлдириш кредитларига бўлган талабнинг ошишига ва қўллаб-қувватланишига замин яратлади.

Президентимизнинг жорий йил 21 апрелдаги “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига белгиланган ҳуқуқий меъёrlар ҳам буни тасдиқлаб турибди. Қарорга биноан, эндиликда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмаган микдордаги фоиз ставкаси билан кичик тадбиркорлик субъектларига миллий валютада бериладиган кредитлар бўйича фоиз ҳаражатларини қўллаш учун компенсация унинг белгиланган микдорларини сақлаб қолган ҳолда берилди.

Бундан ташқари, Экспортни рағбатлантириш агентлиги экспорт қилувчилар томонидан товарлар бўйича тўловларни кечиктириб тўлаш шартли билан хорижга сотилган, уларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун револьвер кредитларини молиялаштиришга тижорат банкларига молиявий ресурслар тақдим этади. Бунда ушбу ресурслар ҳисобидан кредитлар тўловлар кечиктирилган муддатга ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар қиймати микдорида, бироқ 3 миллион АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлмаган ҳажмда, йиллик 4 фоизли ставка (шундан, 2 фоизи банк маржаси) билан ажратилиши ҳам амалий молиявий кўмак бўлади.

Маълумки, жорий йил 10 апрелидан бошлаб Европа Иттифоқи томонидан Ўзбекистонга GSP+ преференциялар тизими берилди. Бу билан юртимиз ишлаб чиқарувчилари ва экспортчиларига ўзларининг 6200 турдаги маҳсулотларини Европа бозорига олиб киришда бир томонлама тариф имтиёзлари тақдим этилди. Бу, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларининг ўз фаолиятини айланма маблағлар билан таъминлашга бўлган эҳтиёжининг кескин ортишига ҳам олиб келади. Бу борада уларнинг талаби тижорат банклари томонидан тақдим этиладиган кредит ва бошқа банк хизматлари ёрдамида қопланиши чоралари кўриб борилиши режалаштирилмоқда.

Марказий банкдан олинган маълумотга кўра, Экспортни рағбатлантириш агентлигининг 1 триллион сўми ҳисобидан экспортёрларга револьвер кредитлар ажратиш бўйича тижорат банклари ва агентлик ўртасида белгиланган тартибда ҳамкорликни йўлга қўйиш ишлари бошлаб юборилган.

## ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

# “БУНЁДКОР” МАҲАЛЛАСИДА ЭЛЛИК ЙИЛДА БЎЛМАГАН ИШЛАР АМАЛГА ОШМОҚДА

**Улуғбек РЎЗИМАТОВ,  
журналист**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқ билан ҳамнафас, халқ дарди билан қайғуриб яшайди, амалдаги ислохотлари ҳам шунга ҳамоҳанг. Қаерга бормасин оддий одамлар билан учрашишга, уларни қийнаётган муаммоларга ечим топишга ҳаракат қилади. Наманганнинг “Бунёдкор” маҳалласи одамлари шу йилнинг 19 февраль санасини ҳеч унутмайди. Шу кунга давлатимиз раҳбари кутилмаганда “Бунёдкор” маҳалласига борди. Бу ердаги муаммоларни ўз кўзи билан кўриб, халқнинг дарду таъшишларини юзма-юз туриб эшитди.

“Бунёдкор” маҳалласи узоқ йиллар эътибордан четда қолиб, ярим асри номига номуносиб бўлиб келган. Эътиборсиз ўтган йиллар мобайнида неча муаммолар бир-бирига уланди. Ичимлик сув, йўл, электр энергияси, газ ва ишсизлик, кўчалар лой, шароит огир... Муаммоларни санасанг саноги кўп бўлди. Одамларнинг кайфияти тушукун, ҳаётга бўлган иштиёқи сўниб бораётган бир кунда Президентимизнинг ташрифи қора булутдан сўнг чарқлаб чиққан кўёш каби қалбларни ёритиб юборди, узоқ кутилган орзулар ушалиши муждаси, ободлик ишораси эди бу.

Бугун бунёдкорликларнинг армонлари ариди. Президентимизнинг маҳаллани обод қилиш, одамларга муносиб турмуш шароити яратиш борасида берган топшириқлари асосида маҳалла ўз номига муносиб бўлиб,

вилоятнинг энг файзли масканига айланмоқда.

Бунёдкор маҳалласида салкам 13 мингта яқин фуқаро яшайди. Бу ерда энг оғриқли муаммо ичимлик сув эди. Бугун одамлар шу тарихий муаммо ҳал бўлганидан хурсанд, ишонгиси келмайди. Оғир кунлар ортда қолгани чин бўлсин, дея шукрона айтмоқда.

Айни пайтда маҳалладаги 9 та кўчага ичимлик суви тортиш ишлари олиб бориляпти. Бу маҳалла одамларнинг тоза ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини қондиради. — Маҳалламиздаги ўзгаришлар, аввало, Президентимиз ташрифидан сўнг одамларнинг кўтаринки кайфиятидан бошланди. Уларнинг эртанги кунга ишончи ортди. Кўчаларга файз кирди. Ободонлаштириш ишларига маҳалладошларимиз ҳам астойдил бел боғлашган. Дарахтлар оқланиб, ҳовиллар деворлари таъмирланди,

кўчалар асфальт бўляпти. Энг қувонтирадигани — ичимлик сув келди, — дейди 68 ёшли маҳалла фаоли Ёқубжон Аҳмадалиев.

Маҳаллада электр энергияси таъминотида ҳам узоқ йиллардан буён камчиликлар кузатилган. Жизматини ўтаб бўлган симёғочлар, эскирган трансформаторлар, электрнинг тез-тез ўчавериши одамларнинг ишончини сўндирганди. Энди бу муаммолар ҳам бартараф этилди.

Бошланган хайрли ишлар доирасида 572 та бетон таянч қўйилди, ёғоч устунлар бетонига алмаштирилди, 4 та янги трансформатор ўрнатилди. Ишга ярқли,



деб топилган 19 таси таъмирланмоқда. Хуллас, маҳалла тунлари чароғон бўлди, чироқ ўчмай қолди.

Маҳаллада қарий 1 гектар майдондаги кичик саноат зонасида қурилиш ишлари ҳам авж олди. Шу ҳудудда амалга оширилаётган, умумий қиймати 25 миллиард сўмлик 5 лойиҳанинг асосий таъсирчилари эса ёшлар. Бу лойиҳалар ишга тушиб кетса 500 та янги иш ўрни яратилар экан. Маҳалла ёшлари, аёллар,

қизлар уйдан бир қадам наридан иш топса яхши-да.

Бунёдкорда баҳор ўзгача файзли бошланди. Мутасадди раҳбарлар 10 гектарли ҳудудда яна битта кичик саноат зонасини бунёд этишга аҳд қилди. Уни “Ёшлик” кичик саноат зонаси, дея номлашди. Шу кунларда қурилиш ишлари авжида. Бу ерда тез фурсатларда ишга тушадиган 37 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади. Пировардида, қўшимча 2500 янги иш ўрни пайдо бўлади. Бу маҳалланинг эр йусифлари энди оиласи бағридан узоқда, мусофирик нонини еб оила боқмайди, дегани.

Соғлиқ — бебаҳо. Киши соғ бўлсагина, танасида оғриқ сезмагандагина тўй-томоша, ободлик ишлари шуқуҳи татийди, шундагина катта бунёдкорликларга бел боғлайди, меҳнат қилади, пул топади.

Бунёдкор маҳалласини ободонлаштириш ишларида ана шу жиҳат ҳам эътибордан четда қолмади. Тиббиёт ходимлари аҳоли соғлигини текшириб уйма-уй юрди. Маҳалла одамлари “ҳали бунақа эътиборни кўрмаганимиз”, дея ўзини давлатга керакдек ҳис қила бошлади.

Қаранги, одамларнинг ҳаммаси ҳам соғлом эмас экан. Лекин эътиборсизлик сабаб шифокорга борилмаган. Шифокорлар тиббий ёрдамга муҳтож аёллар ва болаларга, кекса ёшга доир дармон берди, қаерга бориб кимга учрашишни, қайси шифохонада этиб даволанишни айтади, зарур ҳолларда

йўлланмалар тақдим этилди. Ногирон беморлар эса мобил бригада томонидан қўриқдан ўтказилди.

“Маҳаллабай” ишлаш тизими “Бунёдкор” аҳолиси ҳаётига ҳам янгича мазмун олиб кирди. Илманиядан фойдаланган Шаҳноза Кенжаева 4 миллион сўм кредит олиб 2 сотих жойга иссиқхона қурди. Биринчи экин — қўкатларни 2,5 миллион сўмга сотди. Бугун иссиқхонада иккинчи экин — помидор ва бодринг парваришланмоқда.

Бобурмирзо Тешабоев эса 30 миллион сўм кредит олиб сутини қайта ишлаш цехини қурди. Бир ойда ўртача 5 миллион сўм соф фойда олишни режалаштиряпти. Мана шундай эҳтиёжманд фуқароларга аниқ ҳисобкитоблар асосида қорамол, қўй, товۇқ тарқатилди, иссиқхона қуришда кўмак берилди.

“Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” бўйича ҳам ишлар самарали ташкил этилмоқда. Бугун бу дафтарлардаги хотин-қизлар ва ёшларнинг кўпи ишли бўлди, кимдир тадбиркорлик, кимдир деҳқончилик, яна кимдир ҳунармандчилик билан шуғуллиниши бошлади. Натигада одамлар турмушида ижобий ўзгаришлар кузатилиб, уларнинг ҳаётга бўлган меҳри ошди.

“Бунёдкор” маҳалласи бугун ана шундай файзли масканга айланган.





ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

ҲАМКОРЛИК — УНИВЕРСИТЕТИМИЗ ФАОЛИЯТИНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

Кичик саноат зонаси ТАДБИРКОР ЙИГИТ-ҚИЗЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Расулжон КАМОЛОВ, журналист

Қиргули қир-адирлари билан тутшиб кетган Бешолиш даҳаси бунёдкор ёшлар билан гавжум. Бир ёнда қурувчилар бетон қоришяпти, ғишт терияшпти, бошқа тарафда йўлсозлар асфальт ётқизишга ҳозирлик кўряпти, инфратузилма объектида эса машина-механизмларнинг ҳаракати бир зум тинмайди. Фурсатдан фойдаланиб, қурувчи ёшлар бригадаси сардори Аббосжон Тожибоевни суҳбатга қорладим.

— Навбахор қишлоғидан бўламиз. Иш излаб ўзга юртларга борар эдик. Уйимиздан олиб бўлмаган жойда бунёдкорликлар бошланганини эшитиб келдик. Шу кунга қадар ёшлар кичик саноат зонаси ҳудудининг атрофида девор тикладик. Энди ишлаб чиқариш иншоотлари қуришга киришдик. Ишларни тез ва сифатли бажариш учун шароитлар етарли. Ойликларимизни ўз вақтида оляпмиз, иссиқ овқат, келиб-кейтиш учун транспорт ташкил этилган.

Бу ерда йиллар давомида йўл, сув, электр, табиий газ таъминоти оғир муаммолардан бири бўлиб келган. Бугун ушбу маскан манзараси шиддат билан ўзгариб бормоқда. Чунки Тошлоқ туманининг мазкур ҳудудда умумий майдони 17 гектарни ташкил этган “Келажак” ёшлар кичик саноат зонасининг бинолари қад ростлаяпти. Бу ерда тадбиркорларга 10 сотихдан 50 сотихгача ер майдони ажратилган. Қиймати 45 миллиард 893 миллион сўм бўлган лойиҳалар доирасида қурилиш, мебель, калава ип, пластмасса, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, мевани қайта ишлашга ихтисослашган ўнлаб корхоналар ишга тушади. 634 та янги иш ўрни яратилади.

Ёшимизга “Нексия” автомобили келиб тўхтади. Узини Бекзод Қодиров деб таништирган ёш тадбиркор билан кечган суҳбатимиз мароқли бўлди.

Автомобиль эҳтиёт қисмлари савдоси билан шуғулланиб келган тадбиркор муस्ताқил ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни мақсад қилган. Унинг тақлифи туман мутасаддилари томонидан қўллаб-қувватланди, кичик саноат зонасидан 10 сотих ер ажратиб берилди.

— Илгари бир қарич ер олиш мушкул эди. Бўлар экан-ку, — дейди “Бехрўзбек Осие” тараққиёти оилавий корхонаси раҳбари. — Бу ерда умумий қиймати 2 миллиард сўм бўлган лойиҳани амалга оширяпмиз. Корхонани шу йилнинг 4-чорагида ишга тушираемиз, кунига 5 тоннадан ортиқ пайвандлаш электродлари ишлаб чиқариш имкониятига эга бўламиз.

Тошлоқлик Муҳаммаджон Маҳмудов уй шароитида инкубатор ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Тор жойда фаолиятини ривожлантириш, қўшимча иш ўринлари яратиш имконияти йўқ эди. Тадбиркор ўз оилавий бизнесини кенгайтириш юзасидан тақлиф билдирди. Унга ёшлар кичик зонасидан 10 сотих ер ажратиб берилди.

— Бу ерда 1 миллиард сўм сармоя киритиб, “Ёшлар дафтари”да бўлган 25 нафар ишсиз йигит-қизни иш билан таъминладик, — дейди тадбиркор. — Корхонамизда 10 минг дона тухумдан жўжа олиш имкониятини берувчи арзон ва қулай инкубаториялар ишлаб чиқарилади. Бу ишни йўлга қўйиш учун Хитойдаги турдош корхоналарда иш ўрганиб келдим. Маҳаллий хомашедан тайёрланаётган 7 турдаги маҳсулотимиз

кам электр энергияси сарф қилган ҳолда соғлом жўжа олишда қўл келади.

Кичик саноат зонасида инфратузилма тармоқлари қурилишига алоҳида эътибор қаратилаётгани лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш, янги маҳсулот ва иш ўринлари яратиш имкониятини кенгайтиради.

— Ҳар куни қурувчи ва лойиҳа ташаббускорлари билан мулоқот қилиб, муаммоларни ҳамжиҳатликда бартараф этишга ҳаракат қиляпмиз, — дейди Тошлоқ тумани инвестиция ва ташқи савдо бўлими бошлиғи ўринбосари Илҳомжон Абдулазизов. — Шу кунга қадар юқори кучланиши 2 километрдан ортиқ электр тармоғи тортилди, янги подстанция ўрнатилди. Йўл, табиий газ, сув тармоқларини қуриш ишлари яқунлашиб борапти.

Президентимизнинг кунги кеча эълон қилинган “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифа ва имтиёзлар ёшларимизга руҳий қанот, молиявий таянч бўлади. Унга қўра, янги ташкил этилган Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига 100 миллион АҚШ доллари ажратилляпти. Бу маблағлар устувор замонавий ишлаб чиқаришларни барпо этиш ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилиши кўрсатиб қўйилган. Қарорда тижорат банкларига бундай лойиҳаларни молиялаштириш учун ресурслар жамғарманинг мавжуд маблағлари доирасида, миллий валютадаги кредитлар бўйича йиллик 10 фоиз, хорижий валютадаги кредитлар бўйича йиллик 2 фоиз ставкалари билан тақдим этилиши қайд этилган. Миллий валютадаги кредитларнинг ўз маржаси миқдори 4 фоиздан оширмасдан йиллик 14 фоиз, хорижий валютадаги кредитларни ўз маржаси миқдорини 1 фоиздан оширмасдан йиллик 3 фоиз ставкасига 3 фоиз миқдорда белгиланган ҳолда ажратилиши тадбиркор ёшларнинг тезда оёққа туриб олиши ва экспортни кўзлаб иш тутишига имконият яратяпти.

— Қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш кундалик фаолиятимизнинг асосий йўналишига айланади, — дейди Фаргона вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Кичик саноат зоналарни бошқариш бўйича ягона дирекция раҳбари Ваҳобжон Ҳошимов. — Чунки мазкур ҳужжатда бизнес юритиш шарт-шароитларини янада яхшилаш, тадбиркорликни изчил ривожлантириш, ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш, уларни зарур молиявий ва инфратузилмавий ресурслар билан таъминлаш йўллари аниқ кўрсатиб берилган. Хусусан, тадбиркорлик субъектларига банк кредитлари бўйича компенсация ва кафиликлар кредит шартномалари сонидан қатъи назар берилиши кўзда тутилмоқда. Бунда компенсациялар тақдим этилаётган кредитларнинг умумий суммаси 10 миллиард сўмгача бўлиши мумкин. Бу, айниқса, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”дагиларга иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлди.

Белгиланган дастурларга қўра, жорий йилнинг 2-чораги якуни билан вилоят ҳудудидаги 18 та ёшлар кичик саноат зонасида жами 1 миллиард 649 миллион сўмлик 74 та лойиҳа ишга туширилади. 1 649 дан ортиқ иш ўрни яратилади.



Алишер УМАРОВ, Тошкент давлат педагогика университети ректори

Давлатимиз раҳбарининг яқинда эълон қилинган “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида олий таълим муассасаларининг ўз ҳудудидаги маҳаллалар ёшлари билан ишлашга доир муҳим вазифалар белгиланди.

Бу сай-ҳаракатларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳам фаол қатнашишга интиляпти. Давлатимиз раҳбарининг аввалги топшириқларига биноан, пойтахтимизнинг Чилонзор, Яққасарой, Яшнобод туманлари, Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги маҳаллалар билан ҳамкорликни йўлга қўйдик.

Олий таълим муассасамизда маҳаллалардаги ёшлар учун касб-хўнар ўрганиш, компьютер саводхонлиги, хорижий тиллар, олий ўқув юрталари кириш имтиҳонларига тайёргарлик курслари ташкил қилинган. Талабалар ва маҳаллалардаги ёшлар ўртасида спорт мусобақалари, мусика ва китобхонлик тадбирлари ўтказилляпти. Университетнинг ўзида талабалар учун ташкил этилган 180 та тўғарақдан 36 таси касб-хўнар, 32 таси спорт, 18 таси китобхонлик йўналишида фаолият юритади. Яқиндан бошлаб ушбу тўғарақларга маҳалла ёшлари ҳам жалб қилинди. Улар учун университет томонидан психологлар, ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тиллар бўйича мутахассислар ҳафтанинг чоршанба ва жума кунлари тегишли йўналишлар бўйича билим бермоқда.

Чилонзор туманидаги маҳалла ёшлари билан биргаликда университет ҳудудида жойлашган спорт майдонига ҳафтада уч марта футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси ва бошқа спорт мусобақалари ташкил қилиняпти. Ўқув муассасамизнинг “Талабалар театр студиялари” маҳаллалар ва мактабларга бориб, маънавий-маърифий руҳдаги театрлаштирилган саҳна кўринишларини намойиш этмоқда. Ўтган ойнинг ўзида университет ҳудудида ташкил этилган маърифий тадбирлар ва иқидий кечаларда яқин-атрофдаги маҳаллалардан икки мингдан зиёд ёш иштирок этди.

Ўғил-қизларнинг олий таълим олишга қизиқиши ва интилишини ошириш муҳим масала. Чунки авлодлар алмашинуви кадрлар тайёрлаш жараёнининг узлуқсизлигини таъминлаш зарур. Шу боис, пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги қўллаб-қувватлаш таълим мактаблари битирувчилари учун университетда “Очиқ эшиклар” кунлари ўтказилиб, муассасамиздаги таълим йўналишлари ва мутахассисликлар ҳақида маълумот берилляпти. Шу билан чекланмай, олий таълим муассасасида ўқиш истагини билдирган ёшлар тайёрлов курсларида ўқитилмоқда. Жумладан, Чилонзор туманидаги маҳаллаларда яшовчи, кам таъминланган, “Темир дафтар” ва “Ёшлар дафтари”га кирган ёшлардан 100 нафари университетнинг бюджетдан ташқари маблағи ҳисобидан кириш имтиҳонларига бепул тайёрланяпти.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур фармонида талабалар ётоқхоналарида, маданият марказларида ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ёшлар билан мунтазам равишда учрашувлар ташкил этиш, очик давра суҳбатлари ва маданият тадбирлар ўтказиш амалиёти жорий қилиниши ҳақида сўз берган. Университет жамоаси бу йўналишда ҳам ишларни самарали йўлга қўйишга интиляпти. Хусусан, олий таълим муассасамизнинг ижарада яшовчи талабалари ва улар истикомат қилаётган маҳаллалар билан ҳамкорлик ўрнатилган. Масалан, университетнинг ижарада турувчи талабалари истикомат қилаётган маҳаллалардаги фаоллар ва нурунийлар билан мунтазам учрашувлар ташкил этиляпти. Яққасарой туманида университетнинг тўртта талабалар турар жойи биноси мавжуд бўлиб, унда яшаётган йигит-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва яшаш шароитини янада яхшилаш бўйича мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиляпти.

Сўнги йилларда юртимизда ёшларнинг келажакга, илм-хўнар ўрганишига давлат раҳбари даражасида эътибор қаратилляпти. Бу ҳамўрлик қўлама йилдан-йилга кенгайиб, фарзандларимиз учун зарур барча имкониятлар яратилляпти. Улардан оқилона фойдаланишга ундаш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишига кўмаклашишда университетимиз жамоаси қўлни қўлга бериб меҳнат қилади.



Хайрулла САТТОРОВ, “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси ижрочи директори

Президентимизнинг шу йил 20 апрелдаги “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони навқирон авлод вақилларининг бизнес фаолиятини, ишбилармонликка интилишини ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилгани билан аҳамиятли.

БИЗНЕС ҲОЯ ВА СТАРТАПЛАР

рақамли технологияларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этади

Ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга керакли барча шароитларни яратиб бериш бугунги куннинг муҳим талабларидан бири ҳисобланади. Уларнинг интилишига, ғояларини амалга оширишга ёрдам кўрсатиш орқали бунёдкорлик қўлама ва даражаси янада кенгайди. Шу асосида янги иш ўринлари яратилади, юзлаб оилаларга баракка қиради.

Мазкур фармонда ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш, тадбиркорлик ғоя ва ташаббусларини рағбатлантириш, муносиб даромад олиши учун қўшимча шароитлар яратиш, бу борада олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқиш кўзда тутилган.

Ўтган йиллар давомида пойтахтимиздаги “Ёшлар ижод саройи”да “Ёш тадбиркорлар” I ва II форумлари ташкил этилди. Унда давлат дастури орқали кредит маблағлари ажратилган юзга яқин ёш тадбиркор ҳамда Хитой Халқ Республикаси компаниялари ўз замонавий технологиялари, шунингдек, ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан иштирок этди. Форумларда ёш тадбиркорлар чет эллик ҳамкорлар билан 5,8 миллион АҚШ долларига, маҳаллий тадбиркорлар билан эса 3,4 миллиард сўмга тенг шартномаларни имзолади.

Ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар ва бизнес юритиш кўникмаларига ўқитиш, шунингдек, тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда бир қатор тизимли ишлар бажарилляпти. Жумладан, “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан “Тадбиркорлик сирлари”, “Бизнес режа тузиш”, “Тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш”, “Кредит ва солиқ сийсати” каби мавзуларда бизнес семинарлар ташкил этилиб, икки юз минг нафарга яқин ёшларнинг малакаси оширилди.

Мазкур фармонда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли тугатган ва сертификат олган ёшларга компьютер хариди учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда истеъмол кредитлари ажратилиши белгиланди. Бу илмий-технологик ва инновацион тадбиркорликни ривожлантириш, янги рақобатбардosh ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, рақамли технологияларни ривожлантириш

ва уларни аҳоли кундалик ҳаётига кенг жорий этишда муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, йигит-қизларни янги ахборот технологиялари ҳамда аҳоли ҳаётини яхшилаш ва жамият тараққиётига ёрдам берадиган инновацион лойиҳаларни яратадиган етук мутахассис бўлиб етишишга руҳлантиради.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда хусусий корхона ва ташкилотларга ишга қабул қилинган ҳамда фаолият бошлаганига олти ойдан ошмаган, “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизларни қайта тайёрлов курсларида ўқитиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг муайян қисми мазкур хусусий корхона ва ташкилотларга давлат бюджети ҳисобидан компенсация қилиниши қайд этилган. Бу ҳам бандликни таъминлаб, ёшлар тадбиркорлик субъектларининг сон ва сифат жиҳатидан ошишига замин яратяпти.

Фармоннинг ижросини таъминлаш, яъни ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, бандлигига кўмаклашиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида жамғарма томонидан ҳам бир қанча лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Айни кунларда “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги ташаббуси билан ташкил этилган “Бизнес марафон” давом этмоқда. Республикадаги фаолият кўрсатаётган энг илғор тадбиркорлар

иштирокидаги ушбу марафон ўзаро тажриба алмашиш, бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига замонавий технологиялар, инновацион ишланмаларни жалб этиш, жаҳон бозорига чиқиш, ёшларни бизнес ва тадбиркорликка янада қизиқтириш учун йўлланма вазифасини ўтади.

Шунингдек, жамғарма томонидан мотивацион тадбирлар ўтказиш, ёш тадбиркорларнинг халқро фoрyм ва ярмаркалардаги иштирокчи таъминлаш, олий таълим муассасалари базасида бизнес акселераторлар ташкил этиш, жойлардаги ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш ташкилотларига бизнес саёҳатлар уюштириш режалаштирилган.

Олтмиш минг нафар ёш тадбиркорга ҳуқуқий, бухгалтерия, маркетинг, брендинг, банк ҳамда сугурта каби соҳаларда консалтинг хизматлари кўрсатиш кўзда тутилган. Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш соҳасида тадбиркорлар давлатлар тажрибасини ўрганиш ҳамда татбиқ этиш жараёнига 15 минг нафар ёш жалб этилади. Онлайн платформа орқали эса 20 минг нафар ёш касб-хўнарга ўқитилади. Шу каби қўллаб-қувватлаш лойиҳаларни амалга оширишда беш юз минг нафардан ортиқ ёшларнинг иштирок этиши кўзда тутилган.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news

26 АПРЕЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ МУҲАММАД ЮСУФ ТАВАЛЛУДИ КУНИ

“ВАТАН — ЮРАГИМНИНГ ОЛАМПАНОҶИ”

(Устоз Муҳаммад Юсуф сабоқлари)



Иқбол МИРЗО, Ўзбекистон халқ шоири

Билгичларнинг айтишича, дастлабки шеърӣ намуналар бугундан етти минг йил нари қадимғи Юнонистонда дунёга келган экан. Маълумингизким, ўша даврларда юнонлар илк давлатчилик асосларини яратга бошлаган, буюк бунёдкорлик завқи-шавқи миллатни жунбўшга солган, айни илҳом ҳосиласи сифатида шеър ва шоир пайдо бўлган эди. Шу тарихка, оҳанг сонинган қахрамонлик дostonлари, мардлик эпослари дунёга келди. Демак, шеър катта эврилишлар самараси, шоир ҳам жамият буржонлари мевасидир. Ҳа, шоирни давр яратлади. Чин шоир эса ўз даврига асос солади.

овози жуғрофий ҳудуддан олисларга таралиб, умуминсоний моҳият касб этди. “Дард” сўзи ҳар элатда ўзгача янграса-да, туйғуси битта — қон ва кўзёшининг рангию таъми бир хил бўлмай-дими ахир! Шоирнинг илк китоби — “Таниш те-раклар”даги илк шеърлардан бирида шундай мисралар бор:

“Терлар бўлиб сув оқди биздан Ва гуриллаб йиқилди терак. Ака бизнинг қилмишимиздан Тунда қушлар йиғласа керак...”

...Баланд бўлди уйимиз тоғдек, Айёнида услун ул терак. Биз яшармиз кўналимиз чоғдек, Шунда қушлар йиғласа керак...”

Терак, одатда, қурилиш ашёси сифатида кўрилади ва экилади. Қишлоқда яшаб, умрида терак экишда ва кесилда қатнашмаган ўзбек йигитини топиш қийин. Бу табиий ҳол. Очиғини айтганда, кўплашиб дарахт ағдарилнинг ажаб-товур гаши бўлади. Эҳтимол бу ҳашар кайфияти билан боғлиқдир. Дарахт ағдарилдими, уй бино бўлади. Яхшиликками? Яхшиликка! Лекин шоир бизнинг яшовчан мантиғимизга кўнмайди. “Эй одам, дейди, сен бировнинг уйини вайрон қилиб уй қурасанми? Фақат сенга бошпана керак, бошқаларнинг боши дўлда қолсинми, дейди. Шундан кейин ҳам одамисан сен? Агар шун инсонгарчилик бўлса, бор-э! Қўрган уйингданан ўргилдим!” деб кўл силтаб жўнаворида. Ҳар ҳолда мен Муҳаммад ақанинг ана шундай муносабатини кўз олдимга келтираман.

“Она чумчуқ айланаб, кетмас, Кўнелга қил ситмас керак. Эски индан ташиб бориб хас, Янги инда йиғласа керак...”

Бировнинг уйини, ҳатто қушиям инини бузмагин, озор бермагин, деган нақлни Муҳаммад Юсуф қанақани тасвирчан, ултрагуманизм ўлчамда тасвирлайди. Албатта, ҳаммаиш Навоий бобомизнинг чодирларига мусича уя курганини, ногоҳ фармони олиҳи кўчишга амир қилгани, ҳазратим эса мусичали кўналгага кўриқчи қўйиб, полапонлар парвозидан сўнгина чодир йиғишни тайинлаганини биламиз. Хемингуй — Хем тоға эса, уруш қўрган, ярадор ва безор бўлган инсон сифатида урушга уруш эълон қилди: “Қиргинбаротга сабаб бўлган кимсаларни, уруш орқасидан сармоя йиғадиган корчалонларни деворга қўйиб отиш керак! Қон тўкилишига доҳил бўлган ҳар қандай банда маҳкумга айланган. Мабодо айбим бўлса, мениям деворга қўйинглр!”. Ўзбекнинг Муҳаммад Юсуфи ўзбекона рамзалар билан, ўзбекнинг тарағи, чумчуғи, толбешиги билан дунёшумул мисалани кўтаради:

“Мен кимга ишонай ёлғиз боламни? Нима бўлса бўлсин, уруш бўлмасин!”

Рассомчиликда оқим, услуб ва турлар жудаям кўп. Графикадан тортиб мейбуёқчага, на-тортордан портретгача, реализмдан авангар-дизмгача... Аммо ҳаммаси ранг-тасвир орқали инсоннинг кўнглини уйғотишга, завқлантиришга, тасаввурини бойитишга, илҳомлантиришга қаратилган. Тошқояларга чизилган петроглифлар қони тўкилган табаррук замин ҳисобланади, уларнинг ақл шоширар чизмалари моҳиятан яхлит. Рассом услубини қабул қилма-ганингиздаям ижодкорнинг истеъдодини ҳис қилиб турсиз. Жақонданнинг кўзлари сизни қандай ҳаяжонга солса, Пикассонинг “Қабутар”иям



шундай хаёлга чулғайди. Истеъдод, аслида, ўша қопиллардан қочиб, ўзининг бетакдор қопилини яратди. Шоирлар ҳам шунақа. Аммо асл шоир атай услуб танламайди. Унга Худонинг ўзи йўл кўрсатади.

Агар сиздан, “Замоннинг энг машҳур шоири ким?” деб сўрашса, “Муҳаммад Юсуф”, деб айтасиз. “Энг кўп нусхада китоби чоп этилган шоир ким?” деб мендан сўрасангиз, “Муҳаммад Юсуф” деб айтман. Устознинг чоп этилган китоблари икки миллиондан ошиқ. Ҳар йили барака топгур нашриётлар басма-бас босиб турилади. Нега? Одамзод ҳамдард, ҳамсуҳбатга ҳаммаша зор экан-да. Муҳаммад ака кўнглингиздаги гапни топиб айтадиган, юпатадиган, керак бўлса, йўл кўрсатадиган ҳолис дўст эмасми? Бунақа беминнат дўстни қайдан топасиз?!

Муҳаммад Юсуфнинг орузманд кўнглини, аламазда юрагини, дарё қалбини эпик асарларида, айниқса, “Қора кўш” дostonида аён кўрасиз. Жадид боболаримизнинг бошига тушган қурғилқилар, истеъдод звезига истибодд захрини тотишга мажбур бўлган буюк боболаримиз тарихий далиллар асосида хотирланади, одамни ларзага соладиган манзаралар чизилади. “Халқ душманлари”га айланган икки яшар болачоқлар, пахтазорларда увол бўлган биринчи синф болалари, томигача пахта эккану ўзи кафангадо халқ, жувонмард ва жувонмарг Усон Носир, рўёларга ишонган соддадил Файзулло бобою Акмал Икромлар... Уларни унутиб бўладими? Йўқ! Агар улар эсдан чиқса, яна ўша давр келишига замин яралади. Шоирнинг ва-зифаси ана шу хавфдан огоҳлантириш, малол келмайдиган қилиб жигарларча жон тортиб ўқтириш...

Ўттиз еттинчи йил қатағони исканжасига тушган ҳар юз одамдан тўқсон олтитаси ўз “айби”га иқдор бўлиб, халққа душманлик қилганини тан олган, ҳукмномага имзо чеккан экан. Қолган тўрт фоизи-чи дерсиз. Қолганлари кийноқ азобидан ақлдан озган... Ўша жин-нилар ҳам қамчисидан қон томган, одамқуш тегирмон тошини юргизган Қора кўшнинг бе-тимсол нажоткор деб ишонган, ўлар чоғи ҳам “Яшашин, Ишталини” деб жон берган...

Ватан ҳақида дунё халқларида тушунча ҳар хил. Баъзи миллатлар борки, қаерда яхши яшаса, қаерда даромад топса, қаерда қозони қайнаса, ўша ер — ватан. Лекин ўзбек ҳеч қачон ўз Ватанини Ўзбекистондан ёки туғилган жойидан ташқарида тасаввур қилолмайди. Го-голнинг “Тарас Бульба”сидаги Янелки эсланг. Унинг учун Андрийнинг хоинлиги ҳеч гапмас. “Нима бўпти? Душман тарафга ўтган бўлса, у ўша жойда тўралардек юрибди. Эғнида зарбоф чакмон, киссаси тула тилло...”

Ватан дегани жуғрофий хариталарга ситмас-лиги мумкин. Навоий, “Мусофир бўл, аммо Ва-тан ичра бўл”, деган даъватида таърифланган Ватан ўша замондаги очунинг муслимобод кенгликларини англатади. Биз бугунги Ўзбекис-тонни, кўнгличан оталардан қолган ҳудудни юрт деб биламиз. Аввало, ана шу Ватанини асраш, обод қилиш, келажакка безавол етказиш му-қаддас бурчимиз. Аммо Ватан фақатгина кўҳна кентлардан иборат эмас. Падаркуш фарзанд ва боёқбат тоху тахт боис қон йиғлаб турган Улуғ-бек ҳам Ватаннинг бир қисми. Яссавий, Қубро, Ибн Сино, Амир Темур, Навоий, Бобур, Маш-раб... барчаси миллатнинг гултожи сифатида Ватан тимсолига айланган. Бу бор гап.

Муҳаммад Юсуф ана шу рамзалар қаторига “Алломишга алла айтган момолар”у “Марғило-да йиғлаб турган Қумуш”ни, “Қонбағир Зухрою Тоҳир”ни, “Халдан кетмас Ботир Зокиров”ни, як-тагию дўпписини ечмаган Турсунали полвонни... ва ўнлаб афсонавий ҳамда замондош шахслар-ни кўшади. Унинг назарида, дўппи шунчаки бош кийим эмас, у миллат тожи. “Бошга лойиқ дўппи йўқдир ё Бош қолмади дўппига лойиқ”.

Сумалак бор-йўғи егулик — баҳор таоми бўл-май, меҳр-оқибат, қадриятлар белгисидир. “Ҳа, Наврузфурушлар, қайласиз энди, Биз билан су-малак ялайсиз энди!” Қўзғалдоқ кўламнинг чил-ғи чечачи эмас, у илк муҳаббат суратидир. “Севги бамисоли лопақизғалдоқ, Тегинмай бўлмайди, тегсанг тўкилар...” От эса зинҳор улов ҳисоблан-майди, у садоқатли дўст. “От демасанм, у менга ҳам дўсту ҳам ёр эди...” Шеъроятта шунча тимсол олиб кирган бошқа шоирни биласизми? Ва-таннинг тоғлари ордиган эргашиб юрган, юртини уч кун турмаси хумори тутадиган, Ўзбекистоннинг соясига жонини тўшайдиган асл фарзанд — ид-даолар қилмай севадиган бола қайда бор?

Даҳоларнинг кўпи узок умр кўрмайди дейиш-ади. Аммо Муҳаммад Юсуф то ўзбек деган халқ бор экан, абадий яшашига шубҳа йўқ. Буюклар триклигида кўпам қадр топмайди деган гап бор. Лекин Муҳаммад Юсуф ҳаётлигида подшою фа-қирдан чексиз эъзозу ҳурмат топган эрка тақдир эгаси. Бугун ҳам унинг номи, шеърлари тилдан тушмайди. Бугун у туғилган қишлоқ муҳлислар сайилгоҳига айланган, қизғалдоққа қумилган қабри шеърпарастлар учун зиёратгоҳ.

Шоирлар юртининг феруза гумбазига қанот-ларини тегизиб қалдирғочлар чарх уради. Қай-рилма қанотлар тўлкинидан мавжланиб, жон-бахш наво ўфқларга таралади:

“Мен дунёни нима қилдим, Узинг ёруғ жаҳоним...”

Юраклар бирлашсади, дунё кенга бошлайди. Кўнглиларни англамасиз қувонч чулғайди. Мил-латлар, элатлар... бир тану бир жон бўлади. “Улугимсан, Ватаним!” деб авжини олади фахриёр эл. “Сен шохлари осмонларга Тегиб турган чинорим...” — деб шивирлай-ман мен.

БОҚИЙ МЕРОС

Буюк аждодларга муносиблик масъулияти

Ибодулла УМИРОВ, меҳнат фахрийси

Давлатимиз раҳбари 2019 йили Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида Имом Бухорий ёлғорлик мажмуасини кенгайтириш зарурлиги ҳақида гапириб, ўз тавсия ва тақлифларини берганида, кўнглимиз осмон қадар шод бўлган эди.

Мана, орадан икки йил ўтиб ушбу зиё-ратгоҳда қурилиш ишлари бошланди. Шундай саовбли, улуг ишга муборақ Рама-зон ойда киришилганида, менимча, ало-ҳида ҳикмат бор. Зеро, ислом тарихида кўплаб энг улуг воқеалар айнан Рамазон ойда содир бўлган.

Буюк бобокалонимиз кўним топган қадамжода Президентимиз нуруний ва зиёлилар билан учрашиб, дилдан суҳбатлашди.

— Бу жой Имом Бухорий бобомизнинг илми ва ислом оламидаги макомига муно-сиб бўлиши керак. Мамлакатимизда зиё-рат туризмнинг асоси аслида шу ердир, — деди Президент Шавкат Мирзиёев. — Шунга мувофиқ мажмуанинг янги лойиҳаси ишлаб чиқилди, бир неча бор муҳокама қил-дик. Лекин яна бир бор кўпни кўрган нуру-ний оқсоқоллар билан учрашиб, фикрлаш-сак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Давлатимиз раҳбари Рамазон ойи — эзгу ниятлар ижобат бўладиган муқаддас ой экани, қурилиш айни шу ойда бошланаётгани хайрли, хосиятли бўлишини таъкидлади. Имом Бухорий мажмуасининг обод қилини-ши Президентимиз амалга ошираётган хайр-ли бунёдкорлик ишларининг биринчиси ҳам, қопил ишонч билан айта оламани, охиригиси ҳам эмас. Буни халқро эътирофлардан ҳам англашимиз мумкин.

Улардан кўзланган бош мақсад ҳақида давлатимиз раҳбарининг ўзи бундай деди: “Бу соҳада қилаётган ишларимиздан мақ-сад — исломга эътиқодимизни, аллома боболаримизга ҳурматимизни илм билан билдириш. Аждодларимизга муносиб бў-лиш биз учун жуда атай бурч”.

Биз каби меҳнат фахрийлари учун юрт тинчлиги, оилалар тўқислиги керак. Ҳар бир ёшнинг иш билан банд бўлиши, кекса-ларнинг юрт, фарзандлари ҳақида дуо қили-ши муҳим. Мажмуада шундай кенг кўламли ишларнинг амалга оширилиши натижасида янги иш ўринлари яратилади, кўплаб ёш-ларнинг ҳаёти яхшиланади, турмуш тарзи кўсалади.

Энг муҳими, ўтмиш аждодларимиз руҳи шод этилиб, уларга муносиб экани-миз намоён бўлади.

Пайариқ тумани



Гулицеҳра ДУРДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ҲАБОТАЛИГИ

Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллигига бағишлаб “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” шиори остида ўтказилган санъат ҳафталиги доирасида тасвирий ва амалий санъатнинг сирли ва сеҳрли оламида сайқал топган ижодий ишлар намойиш этилди.

Анъанавий Тасвирий ва амалий санъат халқро фестивали мамлака-тимизнинг барча ҳудудларини қамраб олди. Тадбирлар Тошкент Фотосурат-лар уйи, Иқоу Хираяма Халқро мадани-ят қарвон саройи, Шарқ миниатюра санъати музейи, Камолиддин Бех-зод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Беньков номида-ги Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактабида кўргазмалар, маҳорат дарслари, ижодий-бадий чқишлар, фикр алмашинувлар, дав-ра суҳбатлари, устоз-шогирд тақди-мотлари, концерт дастурлари шакли-да давом этди.

ихтисослаштирилган дизайн мактаби ўқитувчиларининг амалий санъатга доир қўлқоплиқ, каштачилик, наққош-лик, ёғоч ўймакорлиги, заргарлик буюм-лари ва gobеленлар кўргазмаси томо-шабинлар эътиборига ҳавола этилди.

П.Беньков номидаги Республика их-тисослаштирилган рассомлик макта-бида “Ранглар жилосида — она диёр” деб номланган кўрик-талповнинг рес-публика босқичи қатнашчиларининг кўргазмаси ҳам томошабинларга ман-зур бўлди. Фестивалнинг республика босқичида тасвирий санъатнинг ранг-тавсир, графика йўналишида ижод қи-лаётган Қорақалпоғистон Республика-си, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 15-25 ёшли 159 нафар ижодкор 249 та ижод намунаси билан катнашди.

Фестивалнинг иккинчи куни Тошкент фотосуратлар уйида бўлиб ўтган “Ме-нинг шахрим” кўргазмасида Республи-ка ихтисослаштирилган дизайн макта-би ўқитувчиларининг ижодий ишлари, амалий санъат намуналари намойиш этилди.

Бадий кўргазмалар дирекцияси-нинг Марказий кўргазмалар залида самарқандлик ижодкорларнинг “Са-марқанд — Шарқ марвариди” деб ном-ланган санъат асарлари намойиши ҳам юксак савияда ўтказилди. Унда самарқандлик ижодкорлар томонидан тасвирий ва амалий санъатнинг ранг-тавсир, графика, ҳайкалтарошлиқ, ку-лолчилик сингари турларида 300 дан зиёд санъат асарлари тақдим қилин-ди. Кўргазма доирасида ҳайкалтарош-лик йўналишида ёшлар учун маҳорат дарслари бўлиб ўтди.

Иқоу Хираяма халқро маданият қарвон саройида Тошкент архитекту-ра-қурилиш институти талабаларининг “Истеъдодлар — ижодий парвоз бў-сағасида” номи кўргазмаси ўзига хос услубда яратилганлиги билан ажралиб турди. Республика ихтисослаштирил-ган дизайн мактаби ўқувчиларининг замонавий ва анъанавий либослар на-мойиши эса барча иштирокчиларнинг олқишларига сазовор бўлди.

Танловнинг республика босқичида



284 нафар ёш ижодкор 700 дан ортиқ ижодий ишлари билан қатнашди. Фи-налда 24 нафар иқтидор эгалари “Энг яхши миниатюра асари учун”, “Энг яхши графика асари учун”, “Энг яхши наққошлиқ асари учун”, “Энг яхши ам-алий санъат асари учун” номинацияла-ри бўйича беллашди.

Тасвирий ва амалий санъат фести-валли давомида Ўзбекистон Бадий академияси академиклари, Ўзбекис-тон халқ рассомлари, таниқли ижод-корларнинг “Эъзоз” номи учрашу-ви бўлиб ўтди. Ўзбекистон Бадий

ижодкорлар уюшмасининг анжуман-лар залида ўтган учрашувда таниқ-ли ижодкорлар юртимизда тасвирий ва амалий санъатга қаратилаётган эътибор натижасида соҳада кузати-лаётган улкан ўзгаришлар, ёш ижод-корларнинг ютуқларидан мамнун эканликларини билдирди.

Беш кун давом этган мазкур фести-валь ёш истеъдодларнинг ижодини халқимиз ва омма орасида кенг тарғиб қилган ҳолда, санъат ихлосмандлари-ни тасвирий ва амалий санъат билан яқиндан таништириш имконини берди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган кўлөзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташиқлот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” М-ЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1364.  
79778 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Бекқул Эгамқулов  
Мусаҳҳис: Ойдин Алғутдинова  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев  
Манзилимиз:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбучтичлар кўчаси, 32-уй  
ЎзА яқуни — 02:00 Тошхирлиди — 03:00